


Аҳмад ЛУТФИЙ

# ХУТБА ЧОҒИДА ТАШҚИ КЎРИНИШ

*Инсон ҳаётида қиёфа доим аҳамиятли ўрин тутади. Ҳатто турли муассасалар ҳам хос қиёфалари ила танилади. Нотаниш жамоага тоза, дуруст қиёфада келган инсон билан ёқимсиз қиёфада келган инсон ҳар хил кутиб олинади: бири иззат-икром кўрса, иккинчиси ёмон таассурот қолдиради.*

*Тингловчи жамоа хатиб қиёфасига кўра у ҳақда илк ҳукми чиқаради. Лекин қиёфанинг эътибори вақтинчадир. Нутқи почор бўлган хатибга қиёфа таъмин этган эътибор тезда йўқолади. Тингловчи дарҳол унинг асл қиймати ва моҳиятини билиб олади. Оддий-камтарин қиёфали чинакам хатиб илк онларданоқ тингловчининг қаноат ва эътиборини қозонади. Унинг бу обрўи кундан-кун юксалаверади.*



## Расулulloҳнинг хутба чоғидаги қиёфалари

### а) кийинишлари:

Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, турли рангдаги либосларни кийганлар, баъзан уларни бўяганлар, фақат буларнинг ҳеч бири-ни хутба учун хосламаганлар.

Ҳазрати Умар, розийаллоҳу анҳу, бозордан ипакли либос келтириб:

— Ё Расулulloҳ, бу либос сизга. Жума кунларида, элчилар келганида киясиз, — деди.

Набий, алайҳиссалом, эса:

— Буни охиратдан насибаси йўқлар кияди, — деб қабул қилмадилар.

Ибн Саъд Расулulloҳнинг либослари ҳақида: “Ҳирқалари Яманники, изорлари эса аммонликлар иши бўлган, бу либосни Расулulloҳ жума ва ҳайитларда кийганлар. Кейинчалик ўзгартирганлар”, дейди.

Расулulloҳ жумадан бошқа кунларидаги хутбаларида хос кийим кийганлари ҳақида маълумот топилмади. Демак, хутба учун махсус либос киймаганлар, аммо жума ва ҳайит каби байрам кунлари учун хос кийим кийганлар, дейиш тўғрироқдир. Чунончи, Расулulloҳ “Имкони бор кимса жума куни учун иш либосидан бошқа бир либос хосласа, нима зарари бор?” деганлар. Бу ҳадис бундай либосни Пайғамбаримиз хутба учун эмас, балки жума намози учун кийганларини кўрсатади.

### б) бўйлари (ҳидлари):

Танасидан нохуш ҳид анқиб турган одамни ҳеч ким ёқтирмайди. Хатиб бунга эътибор қилиши янада муҳимдир.

Расулulloҳ вужудларидан доимо гўзал ҳид та-

ралиб тургани ҳолда хушбўйликлар суриб юришни ҳеч тарк қилмаганлар. Лекин хуш бўйни махсус хутба учун сурганлари ҳақида бирорта қайд йўқ.

### в) туришлари:

Расулulloҳ кўпинча минбарда турганларида ҳассага суянганлар, ҳарб майдонида эса, бир ёйга суянган ҳолда хитоб қилганлар. Лекин булар ўзгармас қоида эмасди. Масалан, бомдод намозидан кейин кўпинча ўтирган жойларида суҳбат қилардилар. Бундай пайтлар дарҳол ҳассага қўл узатганлари ҳақида ҳеч бир нақл йўқ. Шунингдек, ҳассага таяниб хитоб қилганларидан кейин ҳам ҳассани дарров қўлдан қўймаганлар, яъни, хитобатдан ташқари вақтларда ҳам қўлларида ҳасса тутишни хушлаганлари ҳақида ривоятлар бор.

### г) фитрий кўринишлари:

Хатибнинг иродасидан ташқарида бўлган кўриниш (хусн) масаласига келсак, тингловчининг бу жиҳатга эътибор бериши аниқ.

Ҳадис китобларида Расулulloҳда тингловчиларга яхши таъсир қилувчи гўзаллик мавжудлиги айтилади. Пайғамбаримизни, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, кўрган ҳар бир киши у зотдан гўзалроқ бир кимсани кўрмаганини эътироф этади.

Хулоса шуки, ҳар қандай сўзловчи учун муайян бир вақт ичида қиёфасининг яхши ва ёмон бўлиши аҳамиятли ҳисобланса, Расулulloҳ бунга хутба мақсадида алоҳида аҳамият бермаганлар. Куръонда “**энг хайрли**” деб васф этилган “**тақво либоси**” у зотнинг бутун маънавий шахсиятларини қамраб олган эди. Эгниларига кийган либосдан фарқли ўлароқ бу **либос** Расулulloҳнинг хитобларида ҳам энг кўп кўзга ташланадиган жиҳатлари эди.

МУНДАРИЖА

*Сийрат*

Аҳмад ЛУТФИЙ  
Хутба чоғида ташқи кўриниш.....1  
*Улуғлар ўғитларидан*  
Имом РАББОНИЙ  
Тақвони асос тутиб.....5  
*Мактубларда манзаралар*  
Мирзааҳмад ДЎСТОВ  
Ҳаё пулга топилмайди.....6  
Толибжон НИЗОМОВ  
Эҳтиёж сезгиси.....6  
ХУМОРОЙ  
Хайрли ташвиш.....6  
*Илк намоз*  
Ҳанифа ТЎХТАСИН қизи  
Намоз шифо бўлди.....7  
Ҳикматлар.....7  
*Убудийат*  
Мусулмон кишининг вақт олдидаги вазифалари.....8  
*Тафаккур бурчаги*  
Вужудимиздаги мўъжизалар.....9  
*Мерос*  
Абу Ҳомид ҒАЗЗОЛИЙ  
Кичик гуноҳни  
катта гуноҳга айлантирувчи сабаблар.....14  
*Олисларга саёҳат*  
Украина Республикаси.....16  
*Тарих*  
Иброҳим ОДИЛ ўғли  
Сирғали ота.....18  
*Дарсхона*  
Акмал АВАЗ  
Тажвиддан синов.....19  
*Қомус*  
Аҳком.....22  
*Мовароуннаҳр уламолари*  
Ал-Ҳаким ат-ТЕРМИЗИЙ  
Ўнг томоннинг фазилати ҳақида.....23  
*Шеърят*  
Тўхтамурад БАҲРОМ  
Ким бахтиёр кетар чоғи?.....24  
*Адабиёт*  
Аҳмад БАҲЖАТ  
Илоҳий лутф.....25  
*Ҳидоят топганлар*  
«Бизни жаннатда учраштира».....28  
*Тадқиқот*  
Масиҳ Дажжол.....30



Журналимиз саҳифаларида оят ва ҳадислар берилаётгани учун уни ножоиз жойларга ташламаслигингни сўраймиз

*Ақида*

Имоми Аъзам Абу Ҳанифа

4

**АЛ-ФИҚҲ АЛ-АКБАР**

– Имон иқдор ва тасдиқдир. Еру осмон аҳлининг имони озаймайди ҳам, кўпаймайди ҳам. Мўминлар имонда ва тавҳидда тенгдирлар, амалларда эса улар бир-бирларидан ортиқдирлар.

*Хабарлар*

10

**ИСЛОМ ВА ОЛАМ**

*Олмонияда ўтган сўровлар*



Олмония фуқароларининг Ислом динига ва мусулмонларга муносабатини аниқлаш мақсадида сўровлар ўтказилди. Сўралганларнинг учдан икки қисми мусулмонлар билан кўни-кўшни бўлиб яшашни маъқул кўрган, тўртдан уч қисми “Олмония насронийлар мамлакати, бу ерда Исломга ўрин йўқ” деган қарашни рад этган. Хулоса шуки, немис халқи Ислом динига сабрли муносабатда бўлади.

*Имомларимиз*

Ҳорунхон АЮБХОНОВ

12

**БИР-БИРИМИЗГА  
РАҲМЛИ  
БЎЛАЙЛИК**



Ибратли ҳикоялар  
Абдулмалик ҚОСИМ

20



## ОХИРАТ САФАРИ

Муаззин айтаётган калималарни такрорлаган ҳолда, қалбимда биринчи марта хотиржамлик ва роҳатни ҳис қилдим. Рўмолимни ўраб, видолашаётган одамдек бир руҳда намоз ўқишга киришдим.

Мўъжиза  
Ҳабубуллоҳ СОЛИҲ

26

## ЕТТИ БОШОҚЛИ БУҒДОЙ



Тарбия  
Ҳорун ЯҲЁ

31

## ҲИС-ТУЙҒУЛАРГА АСИРЛИК ШАЙТОНДАНДИР



Ҳиссиётга берилган одам учун ваҳимали ва мушкул, эсанкиратувчи туюлган саволлар мустақкам имон эгасига очиқойдин ва тушунарлидир.

«HIDOYAT»

Ойлик диний-ижтимоий,  
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФҲОН

Таҳрир ҳайъати

Абдурашид қори БАҲРОМ  
Абдулазиз МАНСУР  
Абдураззоқ ЮНУС  
Анвар ТУРСУН  
Муҳаммад Шариф ЖУМАН  
Юсуфжон ИСҲОҚ  
Эркин МАЛИК  
Абдул Жалил ХЎЖАМ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Муҳаммад Собит САЛОҲИДДИН  
Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

Муқовани  
Абдулбоқи ИМОМҲОН ўғли тайёрлади.  
Тартибловчи  
Қудратуллоҳ ЖУМА ўғли  
Матни  
Юлдуз КОМИЛ қизи  
терди.

Манзилимиз: 700069, Тошкент шаҳри,  
Зарқайнар 18-берккўча, 47а-уй, Тел: 40-17-97.  
Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот  
қўмитасида рўйхатга олинган.  
Гувоҳнома рақами 00079.

Босишга 2003 йил 17 июлда рухсат берилди. Босмаҳонага 2003 йил 25 июлда топширилди. Қоғоз бичими 84x108<sup>1/16</sup>. Адали 8000 нусха. 135-сон буюртма. «КО'НИ NUR» МЧЖда босилди. Манзили: Тошкент, Муқимий к., 178-уй.  
Интернет почтамыз: [hidoyat@ars-inform.uz](mailto:hidoyat@ars-inform.uz)

Баҳоси келишилган нарҳда.  
Макет асл нусхаси Pentium-IV  
компутерида саҳифаланди.

Қўлёзмалар қайтарилмайдди, тақриз қилинмайдди.  
Мақолалар хат орқали юборилганида исми шарифлар  
тўлиқ ёзилиши, манзил аниқ кўрсатилиши шарт.

Имоми Аъзам Абу Ҳанифа Нўъмон ибн СОБИТ

# АЛ-ФИҚҲ АЛ-АКБАР

Тавҳиднинг пойдевори ва эътиқод қилиш тўғри бўлган нарсалар

(Охири. Бошланиши ўтган сонда)

— Имон иқрор ва тасдиқдир. Еру осмон аҳлининг имони озаймайди ҳам, кўпаймайди ҳам. Мўминлар имонда ва тавҳидда тенгдирлар, амалларда эса улар бир-бирларидан ортиқдирлар.

Ислом таслим бўлмоқ ва Аллоҳнинг буйруқларига бўйинсунмоқдир. «Имон» ва «Ислом» сўзларида луғавий маъно жиҳатидан фарқ мавжуд бўлса-да, имонсиз Ислом бўлмаганидек, Исломсиз имон ҳам бўлмайди. Уларнинг иккаласи бел билан қориндек. Дин имон, Ислом ва аҳкомларнинг ҳаммасининг номидир.

— Биз Аллоҳ таолони, Китобида зотини васф қилганидек, ҳамма сифатлари билан ҳақиқий таниймиз. Ҳеч ким Аллоҳга У лойиқ бўлган ҳақиқий қулликни адо этолмайди. Аммо Унинг амри билан, У буюрганидай Унга қуллик қилади. Мўминларнинг барчалари Аллоҳни танишда, ишонишда, Унга суянишда, Уни севишда, Ундан рози бўлишда, Ундан кўрқишда, Ундан умидвор бўлишда ва имонда бир-бирлари билан тенгдирлар. Аммо улар бир-бирларидан амалда фарқ қиладилар.

— Аллоҳ бандаларига фазлу карам қилувчи ва адолатли зотдир. У фазл айлаб, бандага у лойиқ бўлганидан бир неча баробар зиёда савоб беради. У адл айлаб, бандага гуноҳи учун азоб беради ва фазл айлаб, унинг гуноҳини афв қилади.

— Пайғамбарларнинг, алайҳимуссалом, шариатлари ҳақдир ва Пайғамбаримизнинг, алайҳиссалом, гуноҳкор ва азобу уқубатга лойиқ бўлган, гуноҳи кабира қилган мўмин бандаларни шафоат қилишлари ҳақдир.

— Қиёмат куни тарозида амалларнинг тортилиши ҳақдир. Пайғамбаримизнинг, соллаллоху алайҳи ва саллам, жаннатда ҳовузлари борлиги ҳақдир. Қиёмат куни хусуматчилар ўрталарида бир-бирларидан яхши амалларини олиб, қасос олишлари ҳақдир. Агар уларнинг яхши амаллари бўлмаса, мазлумларнинг ёмон амаллари зolimларга ортилиши ҳақ ва жоиздир.

— Жаннат ва дўзах ҳозир яратиб қўйилгандир, улар абадий йўқ бўлмайдилар. Ҳурлар ҳам

абადий ўлмайдилар. Аллоҳнинг иқоби ва ажри йўқ бўлмайди, улар абадийдир. Аллоҳ истаган бандасини фазл айлаб, ҳидоятга солади. Истаган бандасини адл айлаб, излол этади. Аллоҳ таолонинг излоли хизлонидир. Хизлоннинг тафсири — Ўзи рози бўладиган амалларга бандани мойил қилмаслигидир. Бу Аллоҳнинг адлидир. Шунингдек, мойил қилинмагани гуноҳ учун жазолаш ҳам адолатдир. Биз, шайтон мўмин банданинг имонини зўрлаб, қаҳр қилиб тортиб олади, демаймиз. Балки биз, банда олдин имонини тарк этади, ана шу вақтда шайтон ундан имонини тортиб олади, деймиз.

— Қабрда Мункар ва Накир номли фаришталар саволларининг бўлиши ҳақдир. Қабрда бандага унинг руҳи қайтарилиши ҳақдир. Қабрнинг қисиши ҳақдир. Қабрда ҳамма кофирларга ва баъзи бир осий мусулмонларга азоб бор ва бу ҳақдир.

— Аллоҳ таолонинг *йад* сифатидан бошқа муташобих ҳамма сифатларини арабчадан бошқа тилда уламолар айтганларидек айтиш жоиздир. *Йад* сифатини бошқа тилга таржима қилиб айтиш мумкин эмасдир. Ундан бошқа муташобих сифатларини «ўхшашсиз» ва «тасаввурсиз» сўзлари билан кўшиб, масалан: «Ўхшашсиз ва тасаввурсиз Парвардигорнинг юзи учун», деб айтмоқ жоиздир.

— Аллоҳнинг яқинлиги ва узоқлиги масофанинг узоқ ва қисқалиги жиҳатидан ҳам, фазилат ва ҳақорат маъносида ҳам эмасдир. Балки итоатгўй Аллоҳга тасаввурсиз яқин ва гуноҳкор-осий Ундан тасаввурсиз йироқ деган маънодадир. Яқинлик, узоқлик, юзланиш ёлборувчига нисбатан қўлланилади. Шунингдек, банданинг жаннатда Унга яқинлиги ва ҳузурда туриши тасаввурсиздир.

— Қуръон Пайғамбаримизга, соллаллоху алайҳи ва саллам, нозил этилгандир. У мусхафларда битилгандир. Қуръон оятларининг барчаси Аллоҳнинг каломи бўлганидан фазилатда ва улуғликда тенгдирлар. Аммо баъзи оятларида ҳам зикр фазилати, ҳам зикр қилинганнинг фазилати бор. Бунга мисол, Оятул

Курсийдир. Унда Аллоҳнинг улуғлиги, буюклиги ва сифатлари зикр қилингандир. Демак, мазкур оятда икки фазилат жамъ бўлган, яъни, зикр фазилати ва зикр қилинганнинг фазилати. Аммо баъзи оятларда фақат зикр фазилати бор. Кофирларнинг қиссалари баён қилинган оятлар бунга мисолдир. Унда зикр қилинганнинг — кофирларнинг фазилати йўқдир. Шунингдек, Аллоҳнинг исмлари ва сифатлари улуғлик ва фазилатда тенгдир, улар орасида тафовут йўқдир.

— Пайғамбаримизнинг, соллаллоху алайҳи ва саллам, ота-оналари куфрда вафот этган эмаслар. У зотнинг амакилари Абу Толиб кофирликда бу дунёдан ўтган. Қосим, Тоҳир ва Иброҳим, Аллоҳ улардан рози бўлсин, Пайғамбаримизнинг, алайҳиссалом, ўғилларидир. Фотима, Руқия, Умму Гулсум ва Зайнаблар Пайғамбаримизнинг қизларидирлар.

— Агар мўмин кишига Тавҳид илмининг нозик масалаларидан бирортаси тушунарсиз бўлса, шу заҳоти бир олимни топиб ундан сўраб билиши зарур. Бунга қадар, Аллоҳ олдида қандай тўғри бўлса, шундай эътиқод қилдим, демоғи лозимдир. Унга бу ҳолда сўрашни кечиктириш мумкин эмас. Уни билмай туриши узр бўлмайди. Агар тавҳид илмининг тушунмаган масаласини ўрганишга ҳаракат қилмаса, кофир бўлади.\*

— Меърож тўғрисидаги хабар ҳақдир. Ким уни рад этса, аҳли сунна вал жамоадан ажралган ва адашган бўлади.

— Дажжолнинг ва Яжуж-Мажужнинг чиқиши, қуёшнинг ғарбдан тулуъ қилиши, Исонинг, алайҳиссалом, осмондан тушиши ва Қиёматнинг саҳиҳ ҳадисларда ворид бўлган бошқа аломатлари ҳақдир, содир бўлажақдир.

Аллоҳ истаган бандасини тўғри йўлга солади.

Ҳамд оламларнинг Парвардигори Аллоҳгадир. Хожамиз Муҳаммадга, соллаллоху алайҳи ва саллам, ва унинг барча авлодларию саҳобаларига дурудуду саломлар бўлсин!

**Абдуқаҳҳор ШОШИЙ**  
*таржимаси*

\*Бу ҳукм барча авомга эмас, балки кўнглида шундай жиддий бир савол туғилган кишигагина тегишлидир.

(Тахририят).

Куръони Ҳаким назарида имондан кейин энг кўп асос тутиладиган нарса тақво ва солиҳ амалдир.

Тақво қайтариқлардан ва гуноҳлардан қочиш, солиҳ амал эса, амр доирасида ҳаракат қилиш ва яхшиликлар қозонишдир.



## ТАҚВОНИ АСОС ТУТИБ

Ёмонликлардан қочиш яхшиликлар қозонишдан ҳар доим устун бўлиб келганини ҳисобга олсак, бузуқликлар ва чиркинликлар ва жозибали ҳаваслар авжига чиққан ҳозирги замонда тақво, яъни, бузуқ ишлардан қочиш ва катта гуноҳларни тарк қилиш асосларнинг асосидир, буюк бир устунлик касб этгандир. Бу замонда бузуқчиликлар ва салбий ишлар даҳшатли тус олгани учун тақво бу бузуқчиликларга жавобан энг буюк асосдир. Фарзларни адо этган ва катта гуноҳлардан қочган одам кутулади.

Бундай улкан гуноҳлар куршовида ихлос билан солиҳ амалга эришиш жуда қийин. Ҳам озгина солиҳ амал бу оғир шароит ичида кўп ҳукмидадир. Ҳам тақво ичида бир нави солиҳ амал бор, чунки бир ҳаромни тарк этиш вожибдир, бир вожиб адо қилинса, кўп суннатларга бериладиган даражада савоб берилади. Бундай замонларда, яъни, минглаб гуноҳ атрофдан ҳужум қилиб турган бир пайтда (одам) биттагина гуноҳдан қочиш ва озгина бир амал билан юзлаб гуноҳни тарк этган, юзлаб вожибни адо қилган бўлади. Мўмин-мусулмонларнинг бу замонда энг муҳим вазифалари бузуқчиликларга ва гуноҳларга қарши тақвони асос тутиб ҳаракат қилишдир. Модомики ҳар дақиқада, ҳозирги ижтимоий ҳаёт тарзида, юзлаб гуноҳ инсонга рўпара келаётган экан, албатта, тақво билан, гуноҳдан қочиш нияти билан (одам) юзлаб солиҳ амал ишлаган ҳисобланади.

*Имом Раббоний*



### Ҳаё пулга топилмайди

Шариатда «аврат» деган тушунча бор. Бунда аёллар ва эркекларга кийиниш меъёрлари ўргатилади. Масалан, эркекларнинг киндикдан тиззаларигача, аёлларнинг юзи ва қўлоёқ қафтларидан ташқари бутун танаси аврат ҳисобланади. Кийинишда мўминлар шунга риоя қилишлари керак.

Бу меъёр кийиниш ҳақида шариатимиз кўрсатмасидир. Аммо миллат фарзандлари шаръий кийиниш тугул, миллий кийиниш ҳам унутиб қўйган кўринишади.

Дам олиш кунлари беихтиёр телевизор мурватини бурайсиз. Бурайсиз-у, уятдан (ўзингиздан, тўпланишиб ўтирган фарзандларингиздан, аҳли аёлингиздан уялиб) қизарасиз. Қийқиришиб «кўшиқ» айтаётган ярим-яланғоч хонандалар, қадриятларимизни беҳурмат қилишга ундовчи сериаллар сизга ўзларининг ахлоқларини (тўғрироғи, ахлоқсизликларини) зўр бериб тиқиштирмоқчи бўлишади...

Баҳор, ёз ойларида бугун ўзбек қизларини таниёлмай қоласиз. Шу қадар беҳаё кийина бошлашдики... бундай кийинишдан эркеклар ҳам уяладилар.

Қизларимиздаги ҳаё, ибо... яна олтинга тенг, пулга топилмас бир қанча гўзал ҳислатлар қаёққа кетди? Уларнинг кўчага шу тахлит кийиниб чиқишаётганини наҳотки отаси, акаси ёхуд укаси кўрмаса. Уларнинг гурури, нафсонияти қандай қилиб бу шармандаликка йўл қўяётганини сингдириолмайман...

Мирзааҳмад ДЎСТОВ,  
Қарши

### Эҳтиёж сезгиси

Дин бир дарахтга ўхшайди. Эътиқодга оид масалалар унинг илдизи, ибодатга оид масалалар унинг шохи, зикр ва тасбеҳлар унинг зийнатиدير.

Ибодатга лойиқ зот қодир мутлақ Аллоҳ таолодир. У ҳамма нарсдан беҳожатдир. У бизнинг дин ва ибодатларимизга муҳтож эмас. Биз ибодатларимизни қулликка муҳтож бўлганимиз учун адо этамиз. Шунингдек, дин илоҳий қонунлар мажмуаси. У инсонларнинг дунёвий ва ухровий ҳожатларини таъминлаб беришга хизмат қилади. Шу боис ҳам инсонлар ҳар доим унга муҳтожлик сезадилар.

Жамиятда маданият ёки кўнгилхушликлар қанчалар тараққий этмасин, барибир инсоният динга муҳтож. Унинг қалби имонсиз хотиржам бўла олмайди.

Дунёнинг глобаллашув жараёни борган сари кишиларни бетоқат қилаётган пайтда, тор кўнгиллар ҳеч нарсани тан олмаётганида фақат бир нарса — сабр ва қаноат дини бўлмиш Исломгина дунёни жар ёқасидан қутқариб қолиши мумкин...

Толибжон НИЗОМОВ,  
Навоий

### Хайрли ташвиш

Харид учун бозорга тушдим. Ўзимга ёққан туфлини олай десам, уч минг сўм пул етмади. Сотувчига қўлимдаги тилла узукни гаровга бердим. Эртасига вақт топиб боролмадим. Индинига пулни вақтида олиб келолмаганимни айтиб, узр сўрадим. Сотувчи ҳам келмаганимдан ташвишланганини қайта-қайта таъкидларди.

Мен дастлаб унга уч минг сўм пул зарур бўлиб қолган бўлса керак, деган ўйда хижолат чекдим. Кейин билсам, у ҳам мен каби омонат — тилла узукнинг эгаси келмади, энди уни йўқотиб қўйсам, нима бўлади, деб қўрқибди. Икки кунки шу ташвишда қийналаётган экан.

Ҳар бир сотувчида шундай ташвиш, қўрқинч бўлса, бозорларимизга, рўзгорларимизга барака ёғилади, иншааллоҳ...

Хуморой,  
Тошкент

# НАМОЗ ШИФО БЎЛДИ

Уйимиз дала ёнида, дарвозамиз яқинида катта зовур бор эди. Кўпинча зовур ичидаги булоқдан сув олар эдик.

Бир куни шомга яқин булоқдан сув олиб уйга кирдим. Негадир ўзимни ғалати сездим. Тун бўйи нимадир безовта қилиб чиқди. Ухлаёлмадим. Алланечук тушлар кўрдим...

Аввалига ҳеч кимга айтолмадим. Кейинроқ аямга ёрилдим. Негаки, кечалари сира ухлаёлмас, аллақандай қора думалоқ жундор бир нарсаси кўзимга кўринар, бир хунук башара пайдо бўларди-да, бўға бошлар эди. Аямни, дадамни ёрдамга чақириб, алаҳсирардим. Аммо улар мени эшитишмас, чунки овозим чиқмас эди.

Хуллас, ҳаммасини бирма-бир аямга сўзлаб бергач, ўпкам тўлиб йиғлаб юбордим. У ёқ-бу ёққа қаратдик, аммо фойдаси бўлмади.

Икки йил шундай азобландим. Ниҳоят, мактабни битириб, Тошкентга ўқишга келдим. Ҳаммаси энди барҳам топар деб ўйлаган эдим. Аммо...

Институтга кирдим. Талабаликнинг илк йиллари. Биласиз, бу давр қанчалар шод-хуррамлик даври бўлади. Лекин менга асло татимас эди. Кечалари ҳамон безовталанар, аҳволимни хонадошларим билан қолишларидан қаттиқ уялар эдим. Ҳар тун улар ухлаганидан сўнггина дам олишга ётардим.

Аммо қачонгача яшира олардим?! Ҳамхоналаримдан бири намозхон бўлиб, ярим кечалари ибодатга турарди. У тунги алаҳсирашларимдан ҳавотирга тушибди. Эрталаб мени ёнига чақириб, қандай дардим борлигини сўради.

Ўртоғимга ҳам аямга айтганимдек дардларимни тўкиб солдим-у, йиғлаб юбордим. У эса жилмайиб қўйди. «Бу дарддан халос бўлиш йўлини ўргатаман», деб менга намоз ўқишим кераклигини айтди. Кечқурунлари таҳорат қилиб, ўзимга дам солиб ётишимни, яна билишим зарур бўлган кўп нарсаларни ўргатди.

Аввалига, барибир фойдаси бўлмади,

деб қўл силтадим. Кейинчалик унинг қистови билан намоз ўқишни ўргана бошладим.

Ниҳоят, илк бора намоз ўқиб уйкуга ётдим. Ўша тун бирам мириқиб ухладимки... Неча йиллардан бери энди уйқудан ором топишим эди. Аста-секин намоз ҳаловатини сеза бошладим, руку-сажда-ларни яхши кўриб қолдим. Кечалари таҳорат қилиб, Қуръон ўқиб, ўзимга дам солиб ётишни қанда қилмасдим. Йиллар давомида қийналиб, ҳатто кўп сарф-харажат эвазига топилмаган даво намозда осонгина топилганидан бениҳоя хурсанд эдим. Бу ҳол меҳрибон Аллоҳимнинг менга бир марҳамати эканидан қувонаман.



Ҳанифа ТҶҲТАСИН қизи,  
Бувайда

## Ҳикматлар

\* \* \*

Оқиллар зикрдан тафаккурга, тафаккурдан зикрга ўтадилар. Қалбларининг гапиришини талаб қиладилар. Ва ниҳоят қалблари ҳикматли сўзларни айта бошлайди.

Ҳасан Басрий

\* \* \*

Мажлисларнинг энг шарафлиси ва энг олийи тавҳид соҳасида тафаккур қилиб ўтирмақ, маърифат шамоли билан елпинмоқ, муҳаббат косасида дўстлик дарёсидан сув ичмоқ

ва Аллоҳга ҳусни зон (яхши хаёл билан) назар айламоқдир.

Жунайд Бағдодий

\* \* \*

Аллоҳнинг неъматлари борасида ўйлаш ибодатнинг энг фазилатлиларидандир.

Умар ибн Абдулазиз

\* \* \*

Агар инсонлар Аллоҳнинг улуғлиги ҳақида фикрлаганларида эди, Унга исён қилмасдилар.

Бишр Хофи

\* \* \*

Тафаккур билан ва жону дил билан ўқилган икки ракат намоз бутун тун бўйи истар-истамас ўқилган намоздан хайрлироқдир.

Абдуллоҳ ибн Аббос

\* \* \*

Ибрат илмни орттиради, зикр Аллоҳ севгисини орттиради, тафаккур Аллоҳ олдидаги қурқувни орттиради.

Ҳотами Асом

Мусулмон кишининг вақт олдида тушуниб, адо этмоғи шарт бўлган қуйидаги муҳим вазифалари бор:

### 1. Вақтдан имкон қадар унумли фойдаланиш

Бебаҳо мол-давлатни беҳад асраб-авайлайдиган инсон аслида бебаҳо бўлган вақтига бундан-да эътиборлироқ бўлмоғи, уни фақат хайрли ўринларда, хайрли мақсадларга ишлатиши лозим. Салафи солиҳлар вақтларига жуда эътиборли эдилар. Чунки улар вақт қадрини яхши англадилар. Улуғ имомлар ҳар бир вақтни фойдали илм, яхши амал, нафсга қарши кураш ёки бошқаларга фойда етказиш билан ўтказар эдилар.

Ҳасан Басрий айтидилар: «Шундай зотлар бор эдики, сизлар дирҳам-динорларингизга ҳарис бўлганингиздан кўра улар вақтларига қаттиқроқ ҳарис эдилар».

# МУСУЛМОН КИШИНИНГ ВАҚТ ОЛДИДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

### 2. Вақтни тартибга солиш


Диний ва дунёвий ишлар батартиб адо этилса, улар бир-бирига ҳалал бермайди. Муҳим ва номуҳим амаллар ўз ўрнини топади.

Солиҳлардан бири айтади: «Банданинг вақтлари тўрт турли бўлади, бешинчиси йўқдир: неъматда кечган вақт, кулфатда ўтган вақт, итоат билан ўтган вақт, маъсиятлар қилиб ўтказилган вақт.

Вақтнинг ҳамма ҳолатида ҳам зиммангда Аллоҳнинг ибодатидан улуш бордир. Кимнинг вақти тоатда ўтган бўлса, унинг йўли Аллоҳ тарафидан унга берилган марҳаматга, яъни, Аллоҳ уни ҳидоятлаб, ибодатга муваффақ қилиб қўйганига шоҳид бўлишдир. Кимнинг вақти неъматда ўтган бўлса, унинг йўли шукр қилишдир. Кимнинг вақти маъсиятда ўтган бўлса, унинг йўли тавба ва истиғфордир. Кимнинг вақти кулфат (синов)да ўтган бўлса, унинг йўли розилик ва сабрдир».

### 3. Бўш вақтни ганимат билиш

Бўш вақтнинг улуғ неъмат эканидан кўплар гофил ўтади. Оқибатда инсонлар неъмат шукрини адо этмайдилар. «Икки неъмат борки, кўплар улардан (фойдаланишдан) маҳрумдир. Улар соғлиқ ва бўш вақтдир» (*Бухорий ривояти*).



Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, «Беш нарсани беш нарсдан олдин ганимат билгин...» деб бошланувчи ҳадисларида бўш вақтни ганимат билишга ундаб, шундай деганлар: «Машғул бўлиб қолишингдан олдин бўш вақтнинг ганимат билгин» (*Ҳоким ривояти*).

Солиҳлардан бири айтади: «Бўш вақт улкан неъматдир. Агар банда ҳавоӣ нафсга ва шаҳватларга берилиб, бу неъматга шукр қилмаса, Аллоҳ унинг қалбидаги ўша (хотиржамлик) неъматини барбод қилиб ташлайди ва у топадиган софликни олиб кўяди». Оқил инсон бўш вақтини яхши ишлар билан ўтказди. Акс ҳолда, у жазоланиб, бўш вақт неъматидан маҳрум бўлади. Шунинг учун айтидилар: «Бўш вақт эркаклар учун гафлат, аёллар учун эса, шаҳватдир». Яъни, эркаклар бўш вақтларини уйқуда ва гафлатда ўтказсалар, аёллар шаҳватни кўзғатиш, ҳою ҳавас йўлида ўтказдилар.

### Вақтни тежашга ёрдам берувчи сабаблар

1. Ўзига ўзи ҳисоб бериш. Бу самарали услуб солиҳлар одати, тақводор зотлар йўлидир. Азиз



биродар, ўзингизни ўзингиз ҳисоб-китоб қилинг. Кунни қаерда, нима ишлар билан ўтказдингиз? Шу кунни яхши-лигингиз ортдими ёки ёмонлигингиз? Шу бир кунингизнинг жавобини бера оласизми?

**2. Нафси фаолиятга ўргатиш.** Кимки ўзини олий ишларни қилиш ва бекорчи ишлардан узоқлашишга ўргатса, ўз вақтини ғанимат билган бўлади. Чунки фаол инсон бекорчи ишлар билан қаноатланмайди. Кишининг ҳиммати қанча баланд бўлса, қиладиган амаллари ҳам шунча улуг бўлади.

**3. Вақтларини муҳофаза қиладиган кишилар билан суҳбатда бўлиш.** Албатта, солиҳ зотлар билан суҳбат қилиш вақтини ғанимат билишга ўргатади. Ўтганлардан бир гап бор: “Агар бир қавмнинг орасида бўлсанг, яхшиларига ёндашгин, ёмонларидан йироқ юр. Акс ҳолда, улар билан бирга ҳалок бўласан. Сен кишидан ўзи ҳақида эмас, балки унинг ҳамсуҳбати ҳақида сўрагин. Чунки ҳар ким ўз яқинига эргашади”.

**4. Салафлар ҳаётини ибратланиш.** Салафлар ҳаётини ўрганиш жуда фойдалидир. Чунки улар вақтнинг қадрини яхши билишар эди. Улар умрнинг ҳар лаҳзасини ғанимат билиш ва уни Аллоҳга итоатда ўтказишда энг чиройли намунадилар.

**5. Вақтдан унумли фойдаланишда турлича йўл тутиш.** Инсон бир иш ҳадеб такрорланаверса, зерикиб қолади. Демак, турли амаллар билан оз-оздан шуғулланиб туриш вақтдан имкон қадар кўпроқ фойдаланишда ёрдам беради.

**6. Вақт қайтмас бўлиб кетади.** Вақтни ортга қайтаришнинг иложи йўқ ва келаётган кунни ўтиб кетган куннинг ўрнига эваз қилиш ҳам мумкин эмас. Ҳасан Басрий шундай деган эди: “Одам боласининг ҳар бир кунни қуйидаги сўзларни айтиб ўтади: “Эй одам боласи, мен янги кунман ва қиладиган амалинга гувоҳман. Агар ўтиб кетсам, қайтиб келмайман. Хоҳлаган ишингни қил, унинг самарасини қариганингда топасан ва хоҳлаган ишингни кечиктиргин, у сенга ҳаргиз қайтиб келмайди”.

**7. Ўлимни эслаш.** Инсон дунёни ортда қолдириб охиратга юзланган вақтда, хатоларини тузатиш ва йўқотган нарсаларини бутлаш учун, гарчи озгина бўлса ҳам, муҳлат берилишини орзу қилиб қолади. Чунки амал вақти тугаб, ҳисоб ва жазо соати етиб келган бўлади. Тушунган инсон вақтини Аллоҳ таоло розилиги йўлида сарфлашга интилади.

**8. Ёмон ҳамсуҳбатдан йироқ бўлиш.** Албатта, дангасалар ва вақтларини беҳуда ўтказувчилар билан аралашиб юриш инсонни бузади ва вақтнинг беҳуда ўтишига сабаб бўлади. Абдуллоҳ ибн Масъуд, розийаллоҳу анҳу, айтганлар: “Кишининг ҳамсуҳбатига эътибор беринглари. Чунки ҳар ким ўзига ўхшаш инсон билан дўстлашади”.

**9. Қиёматда вақт ҳақида сўралади.** Банд бу оғир кунда Улуғ Роббининг ҳузурда тураркан, ундан умрини қандай ўтказгани, вақтини нималарга сарфлагани ҳақида албатта сўралади.

Нажмиддин МИРМАҲМУД  
таржимаси

## ВУЖУДИМИЗДАГИ МУЪЖИЗАЛАР

Инсон вужудида 100 трилён донна хужайра бор. Уларнинг ҳар бирига алоҳида вазифа юкланган бўлиб, ядрола-рига ДНК молекулалари жойлаб қўйилган. Яна ҳайратланарлиси шуки, ана шу молекулаларнинг ҳар бирида бир милён саҳифалик ахборот жойланган.

\*\*\*

Соғлом одамнинг танида ҳар сония ўн милён атрофида қизил қон таначалари ишдан чиқади.

\*\*\*

Она қорнига тушган уруғ тўққиз ой мобайнида юз милён марта катталашади ва 6 миллиард маротаба оғирлашади.

\*\*\*

Юрак ҳар бир уришида тахминан етмиш грам қонни ҳайдаб беради. Ўртача умр давомида у жами икки юз эллик милён литр қонни ҳайдайди.

\*\*\*

Одам қон томирларининг узунлиги юз минг километрга тенг.

\*\*\*

Олимлар исботлашчи, 24 соатдан 48 соатгача оч юриш одам аъзолари учун мутлақо безарар экан.

\*\*\*

Турмушга чиққан аёллар ёлғиз аёлларга нисбатан инфаркт хасталигига уч баробар кам чалинишлари аниқланди.



# ИСЛОМ ВА ОЛАМ



## Муслмонлар марказлари анжумани

Оврупа муслмон марказлари имомлари ва раҳбарларининг анжумани бўлиб ўтди. Анжуманни

Ислом фан, таълим ва маданиятни ривожлантириш ташкилоти Австрия муслмонлар расмий комиссияси билан ҳамкорликда ташкил этди.

Бундан кўзланган бош мақсад ISESCO таклиф этган ҳаракатлар режасини қўллаб-қувватлаш, мутахассис кадрларга янги имкониятлар очиш, муслмонларнинг ўзаро билим ва тажриба алмашувларини уюштиришдан иборат, деб хабар беради IINA агентлиги. Мазкур йиғинда Ислом Анжумани Ташкилотининг бош котиби Абдул Воҳид Беказиз, Ислом фан, таълим ва маданиятни ривожлантириш ташкилоти раҳбари Абдул Усмон ал-Тувайрий, Ислом Даъвати Бутунжаҳон ташкилоти раиси устоз Муҳаммад Аҳмад аш-Шариф ва бошқалар иштирок этишди.

## Олмонияда ўтган сўровлар



Олмония фуқароларининг Ислом динига ва муслмонларга муносабатини аниқлаш мақсадида сўровлар ўтказилди. Сўралганларнинг уч


дан икки қисми диний урф-одатларни ўрганиш ўргатиш эркинлигидан фойдаланиб, муслмонлар билан кўни-кўшни бўлиб яшашни маъқул кўрган, *тўртдан уч қисми* “Олмония насронийлар мамлакати, бу ерда Исломга ўрин йўқ” деган қарашни рад этган. Умумий хулоса шуки, немис халқи Ислом динига сабрли муносабатда бўлади.

Ислом динига муносабатда Олмониянинг ғарби билан шарқда маълум фарқ кузатилади. Ғарбда сўровга қатнашганларнинг 57 фоизи, шарқда

эса 37 фоизи ўрта таълим тизимида Ислом асосларини ўқитишни ёқлаб чиқишган. Янги федерал ҳудудларда (собик сотсиалистик Германияда) яшовчи чорак фоиз сўралганлар бу фикрга қаршилиқ билдиришган.

Хуллас, немисларнинг муслмонлар билан муносабат-муомала тажрибаси жуда ижобийдир. Сўралганларнинг 95 фоизи муслмонлар билан кўшни бўлиб яшаш яхши бўлаётганини, 87 фоизи муслмон кўшнилар билан яшаш уларга ҳеч қандай муаммо туғдирмаётганини айтишган.

## Исломий банк ишлари



Малайзия, Италия, Австралия ва яна бир қатор давлатлардаги университетлар исломий банк ишларига бағишланган анжуман ўтказиш ҳақида ўзаро келишиб олишди. Анжуманни шу йилнинг сентябр ойида Рим шаҳрида ўтказиш мўлжалланмоқда. IINA хабарига кўра, конференсага дунёнинг турли бурчакларидан олимлар, тадбиркорлар келиши кутилмоқда. Тадбирни ўтказишдан кўзланган бош мақсад йиғилганларни исломий банк тизими ва унинг афзалликлари билан таништиришдир.

## Маҳмуд Рубийнинг айтганлари

Шветсийа Ислом кенгаши президенти Маҳмуд Рубий Ғарб давлатларидаги исломий ташкилотларни диний таълимда, хусусан, Қуръонни ва араб тилини ўргатишда тобора самаралироқ фаолият юритишга чақирди. Унинг фикрича, Оврупа давлатларининг муслмон ёшларини Исломнинг асл моҳияти билан чуқурроқ таништириш учун масжид ва Ислом марказлари очилиши керак.

— Оврупадаги исломий ташкилотлар ёшлар билан кўпроқ шуғулланишлари лозим. Чунки келажакда тенгдошлари ва янги авлодларни ҳидоят йўлига даъват қилувчилар шу ёшлардир, — деди жумладан Маҳмуд Рубий.

## Қоҳирада ўтган танлов



Қоҳирада дунёнинг олти беш давлати вакиллари иштирокида бўлаётган Қуръон ҳофизларининг халқаро танлови ниҳоясига етди. Тақдирлаш маросимида Миср президенти Хусни Муборак қатнашди ва сўзга чиқди. У дунё мусулмонлари аҳволи

ва оламда рўй бераётган ҳодисалар мавзуга тўхталиб ўтди.

Танлов якунида устоз Муҳаммад Саййид Тантавий «Қуръони карим ҳидоятга бошловчи энг биринчи манба. У инсонларда эзгуликка севги ва зулмга нафрат туйғуларини уйғотади», дея таъкидлади.

Президент Хусни Муборак ғолибларга совринларни топширди.

## Сенегалда ёшлар йиғини

Ислом ёшлар ташкилоти Сенегал пойтахти Дакар шаҳрида «Исломнинг Африқода тутган ўрни» мавзуга анжуман ўтказди. IINA хабарига кўра, бу йиғин мамлакатда сўнгги йилларда ўтказилган иккинчиси дир. Тадбирда тингловчилар бир қатор маърузалар, илмий тадқиқотлар билан танишдилар.

## Саллали политсиячилар



Лондон политсиясининг мусулмон зобитлари иш пайтида салла ўраб юриш имкониятига эга бўладилар. АР ахборот идораси хабарига кўра, Британия пойтахтидаги

мусулмон политсиячилари уюшмаси шундай таклифни киритган. Мазкур ташкилот бош котиби Муҳаммад Маъруф: «Салла ўраш пайғамбаримиз Муҳаммад, алайҳиссалом, даврларидан қолган анъана, унга амал қилиш ҳар бир мусулмоннинг шарафли ишидир», деди. Лондон политсияси вакилининг сўзига қараганда, саккиз милён аҳоли яшайдиган Лондонда хизмат ўтаётган 28 минг зобитнинг бор-йўғи икки фоизи мусулмонлардир. Ўтган йили лондонлик политсиячи аёлларга хизмат чоғида рўмол ўраб юришга рухсат берилган эди.

## Ислом фикҳи ва суғурта

Русия Федератсияси ташқи ишлар вазирлиги халқаро муносабатлар институтининг хусусий ва

фуқаролик ҳуқуқи бўйича мутахассиси, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди Ренат Беккин мусулмонлар диний бошқармалари раҳбарларининг Масковда бўлиб ўтган анжуманида «Мусулмон ҳуқуқшунослигида суғурта» мавзуга маъруза қилди. Олим айна мавзуга бағишланган китобида шариатимизда суғуртанинг ўрни ва аҳамиятини атрофлича очиб берган эди. Муаллиф қонун ва шариат тушунчаларининг ўзаро муносабатини таҳлил этаркан, Ислом фикҳи ҳозирги пайтда Қуръони карим ва суннати набавийга талабларидан чекинмай, замоннинг энг долзарб саволларига ҳам жавоб бера олишини далиллар билан исботлаган.

## Мусулмонлар талабига кўра


Бутун дунёда шов-шув билан кўрсатилаётган «Матритса» филмини Мисрда намойиш қилиш мамлакат мусулмонлари талабига кўра тақиқланди. Миср сензураси бундай қарорини диний сабаблар билан ҳамда зўравонлик саҳналарининг кўплиги билан изоҳлади. Таркибига кинотанқидчилар, ёзувчилар, файласуфлар, олий ўқув юртлари муаллимлари кирган сенсорлар қўмитасининг расмий баёнотида кўра, филмда махсус юксак технологик янгиликлар қўлланган бўлса-да, яратилиш ва борлиқ масалаларига бузғунчи маъно беришга уриш бор. Қўмита аъзолари фикрича, филм жамиятда носоғлом вазият туғдириб, фуқароларнинг ижтимоий осойишталигига хавф солади.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

## Ўзбек хаттоти Татаристонда

Татаристон пойтахти Қозон шаҳрида ўн минг намозхон ибодат қила оладиган улкан масжид қурилиши жадал борапти. Масжид гумбазининг баландлиги 36 метр, унинг тўртта минораси 60 метргача юксалган. Ҳозир бинода ички пардозлаш ишлари олиб бориляпти. Туркиялик қурувчилар тиклаётган жомеъда хаттотлик ишларини юртдошимиз Ислом Муҳаммад бажаряпти. Қуръони карим оятлари ва бошқа ёзувлар тилла суви югуртириб ёки мрамор воситасида жомеъ деворларига нақш қилинмоқда.

Қозон Кремли худудида тикланаётган мазкур «Қум Шариф» жомеъ масжиди кўҳна тарихга эга. Илгари ҳам бу ерда худди шу номда масжид бўлиб, у 1552 йилги Иван Грозний ҳужуми пайтида батамом бузиб ташланган эди. Татаристон ҳукумати «тарихнинг ана шу хато»сини ислоҳ қилишдек хайрли ишга қўл урди. Жомеъ масжиди 2005 йили Қозон шаҳрининг 1000 йиллиги тантаналари кунида очилиши мўлжалланган.



— **Ҳожи ака, Наманган азалдан дину диёнатли, солиҳ ва тақволи инсонлар шахри сифатида ном қозонган. Наманганнинг шу кунлардаги диний ҳаёти қандай кечяпти?**

— Бисмиллаҳир роҳманир роҳим. Аллоҳ таолога беҳисоб ҳамду шукроналар бўлсин. Аввало, наманганликлар ҳам, бошқа юртдошларимиз сингари диний эркинликдан баҳраманд бўлишадиганини айтиш керак. Советлар замонида шахримизда бор-йўғи иккита масжид бор эди, ҳозир йиғирма еттига жомеъ ишлаб турибди. Улардан ўнтаси “Нуробод”, “Ахсикент”, “Мингчинор”, “Чаманзор” каби янги турар-жой мавзеларида ва Курашхона даҳасида янгидан қурилди, қолганлари қайтадан таъмирланиб, кенгайтирилди. Янги масжидлар нафақат катталиги ва меъморий кўркамлиги билан, балки қавмининг кўпчилиги билан ҳам ажралиб туради. Ҳамшаҳарларимиз орасида кўплар ҳар йили ҳаж ва умра ибодатларини адо этиб туришибди. “Мулла Қирғиз” мадрасаси эса мамлакатимизда стук салоҳиятга эга бўлган диний ўқув юртларидан саналади. Мадраса битирувчилари нафақат Наманганда, ҳатто кўшни вилоятларда ҳам имомлик қилишяпти. Талабаларга ўндан зиёд устозлар Қуръон ва ҳадисдан, сарфу наҳв, фикҳ ва ақида илмларидан сабоқ беришмоқда.

— **Наманганни ҳофиз Қуръонлар юрти ҳам дейишадими...**

*Ҳорунхон Аюбхонов 1940 йили Наманган шаҳрида туғилган. Кўп йиллар таъмир-қурилиш бошқармасида дурадгор бўлиб ишлаган. 1996 йили Тошкент Ислам олий маъҳадини битирган. Айни пайтда Наманган шаҳар бош имом-хатиби.*

— Дарҳақиқат, шундай. Масалан, “Махдуми Эшон” масжиди имом-хатиби Мамадалихон қори мамлакатимизда илк марта ўтказилган қорилар мусобақасида ғолиб бўлган эди. Ўтган йили Орифхон қори Содиков ҳам шундай мусобақа ғолиби сифатида ҳажга бориб

бўлагини ўзида қолдириб, бир бўлагинигина ер юзига туширди. Мана шу бир бўлак раҳмат билан ҳамма махлуқот бир-бирларига раҳм қилишади, ҳатто от ҳам ўз боласига тегиб кетмасин деб аяб оёқларини юқорига кўтариб туради”, деганларини эшитдим”, дейилган.

## БИР-БИРИМИЗГА

келди. Шунингдек, у Малайзия пойтахти Куала Лумпурда ўтказилган қорилар мусобақасида ҳам муваффақият билан қатнашди. Буларнинг ҳаммаси Наманган тарихида ўчмас из қолдирган Собитхон тўра, Исмоил махдум, Фафур қори, Шамсиддин қори, Ҳошимжон қори каби устозлар меҳнатининг самарасидир.

— **Тақсир, бозор иқтисоди шароитида баъзилар бойиб, бошқа баъзиларнинг турмушлари оғирлашиши табиий. Шундай пайтда кишилар бир-бирларини қўллаб-қувватлаб туришлари зарурга ўхшайди. Динимизнинг шу ҳақдаги кўрсатмалари ҳақида гапирсангиз.**

— Аллоҳ таоло бандаларига ўта раҳмли ва меҳрибон Зот, Унинг гўзал исмларидан бири Раҳмондир. У бандаларини ҳам меҳрибон, ҳам раҳм-шафқатли бўлишга чақиради. Абу Ҳурайрадан, розийаллоҳу анҳу, ривоят қилинган ҳадисда: “Мен Расулulloҳнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Аллоҳ таоло марҳаматни юз бўлак қилиб яратди-да, ундан тўқсон тўққиз

Яшириб нима қиламиз, барча маҳаллаларда турмуши ночорлашган оилалар бор. Кимнингдир маишати жойида эмас, кимдир боласини ўқитиш ёки касби-корини ўнглаш учун пул тополмайди. Мўмин киши ана шундайларни топиб, қўлидан келганича ёрдам кўрсатиши, ҳеч бўлмаса, яхши сўзи билан тасалли бериши керак. Бу ишни Пайгамбар, алайҳиссалом, кўрсатмаларига мувофиқ қариндош-уруғидан, ён қўшнисидан бошлаши зарур.

Шаҳримизда ҳам саховатпеша, олиҳиммат кишилар кўп. Исмини айтмайман, яқинда бир мўмин биродаримиз “Бурамаут” маҳалласидаги юздан ортиқ ночор оилаларга ўн минг сўмдан пул тарқатиб чиқди.

Бошқа бири ўтган Рамазон ойида ҳар куни новвойхонада нон ёпиб, кўчадаги барча хонадонларга улашиб, дуоларини олди.

— **Ҳожи ака, ўрни келди, эҳсоннинг фазилати ҳақида тўхталиб ўтсангиз.**

— Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат этади:

“Ота-онангизга ҳамда қариндош-уруғ, етим ва мискинларга, қариндош қўшни ва бегона қўшнига, ёнингиздаги ҳамроҳингизга, йўловчи мусофирга ва қўлларингиздаги қулларингизга яхшилик қилингиз!” (Нисо, 37, мазмуни). Пайғамбаримиздан, алайҳиссалом, саховат, ҳиммат кўрсатиш, эҳсонни одамлар кўрсин учун қилмаслик ҳақида кўплаб ҳадислар ривоят қилинган.

Масжидимизга ҳам кўпгина муҳтож кишилар ёрдам сўраб

қилиб юрмоғингиздан, кўп суриштираверишдан ёки тиланишдан ва молни ноўрин ерларга сарф қилиб, зое қилишингиздан газабланади” (Бухорий), мазмунли ҳадис ворид бўлган. Динимизнинг, шариятимизнинг талаби шундай бўлгач, нега энди биз мусулмонлар тўйлар, маъракалар, маросимларни ўтказишда исрофга йўл қўйишимиз, ном чиқариш учун бир-биримиздан ўзишга интилишимиз керак?

Наманганда тежамкорликка

## РАҲМЛИ БЎЛАЙЛИК

муружаат қилиб туришади. Иложи борича қуруқ қайтармаймиз. Шаҳар четида “Пахтали кўл” республика шифохонаси бор. Шу ерда мамлакатнинг турли ерларидан келган бир ярим мингдан ортиқ оғир бемор бешолти ойлаб, ҳатто ундан кўпроқ ётиб даволанади. Айримларининг оилалари бузилиб кетган, уларнинг ҳолидан хабар олиб тураемиз. Яқинда ҳам у ердаги юзлаб беморга нон, шакар, мева-чева, диний адабиётлар тарқатиб чиқдик. Бир неча нусха “Ҳидоят” журналидан ҳам эҳсон қилдик.

— Тўй-маросимларни камтарона ўтказиш, баъзи урф-одатларимизни соддалаштириш ҳам камчиқим оилаларга ўзига хос ёрдам бўларди. Ҳозирги аҳволда эса, ҳамма қатори қилишим керак, деб ўзининг имкониятларини ҳисобга олмасдан кўпчилик қийналиб қоляпти.

— Аллоҳ таоло: “Енглар, ичинглар, аммо исроф қилманглар” деб марҳамат этган. Жаноби Пайғамбаримиздан, соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Аллоҳ таоло бўлар-бўлмас гапни нақл

тарғиб ишлари бирон-бир мавсумда ёки хўжақўрсинга эмас, балки мунтазам олиб бориляпти. Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг Наманган вилоят бўйича бош вакили устоз Абдулҳай Турсунов бош-қош бўлиб имомларимиз жума мавъизаларида, оммавий маросимларда тўй-маъракаларни оддий, камчиқим, исрофга йўл қўймай ўтказиш бўйича амри маъруф қилишяпти, тушунтиришяпти. Диндорларимизнинг ўзлари бу соҳада ибрат бўлишяпти. Масалан, яқинда масжидимиз қавмидан Маҳмуджон ҳожи ака бизнинг иштирокимизда оила аъзоларига: “Мендан кейин шариятда буюрилмаган маросимларнинг бирортасини қилмайсизлар, балки мол-мулкимнинг бир қисмини камбағал, ночор бева-бечораларга тақсимлаб берасизлар”, деб васият қилдилар, биз тасдиқладик. Вафотларидан кейин раҳматлининг фарзандлари ота васиятига биноан иш тутишди.

— Ажабки, авваллари тўкинчилик бўлса ҳам, одамларда

орзу-ҳаваслар бунчалик кучаймаган эди...

— Бозор шароитида тезда бойиб кетган айрим кишиларнинг дабдабавозликка, ном чиқаришга интилиб, тўй-маросимларни шоҳона ўтказётгани бошқаларга ҳам “юқяпти”. Ҳатто аранг қўл учида кун кўраётган айрим оилалар ҳам улардан ўрнак олиб, емай-ичмай пул йиғишади. Катта-катта қарз олишиб, дабдабали тўйлар қилишади. Ёки “уч”, “етти”, “йигирма” каби шариятимизда йўқ мотам маросимларини ўтказишади. Ахир бу ишлари ҳам исроф, ҳам оилага зулм, ҳам ўзини қийнаш эмасми?

Адашмасам, шу мавзудаги бир мақола “Ҳидоят” журналида босилган эди, шекилли... 1917 йилда ҳам Туркистон “Шўрои исломийа” ташкилотининг раҳбарлари махсус Муружаатнома билан чиқиб, шундай куйиниб ёзишган экан: “Шўрои исломийа” давлатлик кишилардан илтимос қиладурки, урф-маъракаларни кўп катта қилиб юбормасдан, мумкин қадар қасди риоя қилсалар (тежаб сарф қилсалар), ҳам тўйдаги пул ва галла сарфини маҳаллардаги оч ва ялонғоч, бева-бечораларга, мактаб, мадраса ва жамияти хайрияларга берсалар”.

— “Ҳидоят” журнали ўқувчиларига қандай истакларингиз бор?

— Барчаларимизни Аллоҳ ҳидоят йўлидан адаштирмайсин, икки дунё саодатини ато этсин. Аллоҳдан кўрқадиган, Унинг амрларини бажариб, наҳийларидан сақланувчи солиҳ инсонлар бўлайлик! Омин, ё Роббал оламийн.

Аҳмад  
МУҲАММАД ТУРСУН  
сўхбатлашди.

Абу Ҳомид ҒАЗЗОЛИЙ

# КИЧИК ГУНОҲНИ КАТТА ГУНОҲГА АЙЛАНТИРУВЧИ САБАБЛАР

## Давомли гуноҳ

Билингки, кичик гуноҳни катта гуноҳга айлантириб қўядиган сабаблар бор. Гуноҳдан қайтмаслик, гуноҳ қилишда давом этиш шундай сабаблар жумласидандир. Чунончи, айтилди: “Гуноҳ кичик бўлса ҳам, ундан қайтилмас экан, гуноҳнинг кичиклиги ҳақидаги сўз энди ёлғондир. Гуноҳ катта бўлса ҳам, истиғфор бор экан, энди у гуноҳ катта ҳисобланмайди”.

Кичик гуноҳни доимий қилиб юрган кишидан кўра, битта катта гуноҳни содир этиб, дарҳол ундан қайтган ва қайта такрорламаган кишининг афв этилиши умидлироқдир. Бунинг мисоли шуки, сув томчилари давомли равишда битта тошнинг устига томчилаб турса, тошда из қолдиради. Агар ўшанча миқдордаги сув бирданига тошнинг устига қуйилса, тошда из қолмайди. Шунинг учун Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Амалларнинг яхшиси, гарчи оз бўлса ҳам, давомлисидир”, деганлар (*Бухорий, Муслим ривояти*).

Нарсалар ўз зидди билан юзага чиқади. Оз бўлса ҳам, давомли бўладиган амал фойдалидир. Кўп бўлиб, тўхтаб қоладиган амал қалбни нурлантириб поклашда кам фойда беради. Шунингдек, кичик гуноҳ давомли содир этилса, қалбнинг қорайишини кучайтиради. Давомли кичик гуноҳларсиз тўсатдан катта гуноҳ қилиш кам учрайдиган ҳодиса. Масалан, зинокор аввало аёлнинг кўнглига қўл солади, уни шахвоний суҳбатга чорлайди, тегажоғлик қилади... кейин иш зинога — катта гуноҳга бориб тақалади. Ёки кўнгилда душманлик ва нафрат сақламасдан туриб, дафъатан бировни ўлдириш ҳам деярли учрамайди. Билинг, ҳар қандай катта гуноҳ олдинроқ ё кейинроқ содир бўлган кичик гуноҳлар билан куршалгандир. Умр бўйи давом этган кичик гуноҳдан кўра, қайта такрорланмаган катта гуноҳнинг кечирилиши осонроқ кечса, не ажаб!

## Гуноҳни улфат тутуши

Гуноҳни арзимас билиб, назарга илмаслик ҳам кичик гуноҳни катта гуноҳга айлантиради-

ган сабаблардандир. Чунки қандайлигидан қатъи назар, содир этилган гуноҳни банда қанча катта деб билса, Аллоҳ наздида у гуноҳ шунча кичик бўлади. Зеро, гуноҳни катта деб билиш қалбнинг ўша гуноҳдан қочишидан, уни ёмон кўришидан келиб чиқади. Бу қочиш қалбни гуноҳнинг шиддатли таъсиридан тўсади. Гуноҳни кичик санаш эса гуноҳ билан улфат тутинишдан келиб чиқади. Бу “улфатчилик” гуноҳнинг қалбдаги изини чуқурлаштиради. Қалбни тоат билан мунаввар айлаш матлуб иш, гуноҳлар билан қорайтириш ҳалокатга элтади.

Хабарда келади: “Мўмин қилган гуноҳини елгага ортилган тоғ деб билади, устига тоғ қулаб кетишидан қўрқиб юради. Мунофиқ эса, қилган гуноҳини бурни атрофида визиллаётган, ҳайда-са учиб кетадиган пашша деб билади” (*Бухорий*).

Ўтган зотлардан бири: «Банданинг, кошки қилган барча гуноҳим мана шу гуноҳимдек арзимас бўлса эди, деб ёзғиришининг ўзи кечирилмас гуноҳдир», деган экан.

Аллоҳнинг улуғлиги ва қудратини билгани учун ҳам мўмин қалб наздида ҳар қандай гуноҳ улкан ҳисобланади, исённинг даҳшатли соясида кичик гуноҳни катта тасаввур қилади.

Аллоҳ таоло баъзи пайғамбарларга: “Ҳидоятнинг озлигига эмас, ҳидоят эгасининг улуғлигига боқ! Хатонинг кичиклигига эмас, хатоларинг билан сен рўбарў келадиган Зотнинг улуғлигига боқ!” деб ваҳий қилган эди. Бинобарин, орифлардан бири: “Кичик гуноҳ йўқ, балки ҳар қандай қаршилик (Аллоҳга нисбатан) улуғ гуноҳдир”, деган эди. Шунингдек, саҳобалардан бири тобеинларга айтган эди: “Албатта, сизлар шундай гуноҳлар қиласиз, кўз олдингизда улар гўё қилдан-да ингичка кўринади. Биз эса Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, замонида уларни улкан гуноҳ деб билар эдик”.

Ҳа, саҳобаларда Аллоҳнинг улуғлигини англаш маърифати комил эди. Уларнинг наздида кичик гуноҳлар Аллоҳ таолонинг улуғлиги қаршисида каттариб кетарди.

Шу сабабдан, олим кишининг катта деб билган гуноҳи жоҳил назарида арзимасдир. Айрим ишларда авом кишилардан содир бўладиган нуқсон кечирилади, лекин шу нуқсон орифлардан ўтса, кечирилмайди. Чунки банда яратувчисини қанчалик танигани сайин, қилган гуноҳининг юки шунча оғирлаша боради.

## Гуноҳ билан мақтаниш

Қилган гуноҳига ичидан қувониш ва у билан мақтаниш, гуноҳга моҳирлигини неъмат деб ҳисоблаш ва гуноҳнинг бахтсизликка сабаб эканидан ғофил бўлиш ҳам кичик гуноҳни катта гуноҳга айлантиради.

Банда гуноҳ “ҳаловатини” тотгани сайин қалбнинг қорайиши зўраяди. Ҳатто гуноҳкор гуноҳи

билан гурурланадиган, мақтанадиган, гуноҳ ишни эплаганидан қувонадиган даражага етади. У дейди: “Кўрдингми, унинг обрўйини қандай тўқдим!” Баҳсу мунозарадан сўнг биттаси дейди: “Бопладим, ҳамма ишларини юзига солиб, шарманда қилдим!” Тижоратчи дейди: “Унинг молини ерга уриб, сохта молимни қандай ўтказганимни кўрдингми? Уни авраб, роса аҳмоқ қилдим-а!”

Бу ва бунга ўхшаш ҳаракатлар кичик гуноҳларнинг каттайишига сабаб бўлади. Банда гуноҳга берилса, шайтон ғолиб келиб, гуноҳ юкини унга ортади. Натижада бандага мусибат юзланади, Аллоҳ таолодан узоқлашгани, шайтонга мағлуб бўлгани учун афсус чекади. Бемор дори солинган идиш синиб қолса, қувонади, чунки у аччиқ дорини ичиш гамидан халос бўлади. Лекин шифо-чи?

### Аллоҳ марҳаматига энгил қараш

Аллоҳ таолонинг гуноҳларни ёпувчи, ҳилму марҳаматли, бандасига муҳлат берувчи зот эканига энгил қараш ҳам кичик гуноҳни катта гуноҳга айлантирувчи сабаблардандир. Банда берилган муҳлат туфайли гуноҳи ортаётганини, кўпроқ нафратга сазовор бўлаётганини билмайди. У маъсиятларга имкон топаётганини Аллоҳ таолонинг унга кўрсатаётган инояти деб ўйлайди.

**“Нега Аллоҳ бизларни азобламаётибди”, дерлар. Уларга ўзлари кирадиган жаҳаннам кифоя қилар! Бас, нақадар ёмон оқибат (бу)!” (Мужбадала, 8, мазмуни).**

### Тўрт жиноят

Ўтган гуноҳни кимгадир айтиб, овоза қилиш ёки гуноҳни кимнингдир гувоҳлигида ошқора содир этиш ҳам кичик гуноҳни катта гуноҳга айлантирувчи сабаблардандир. Чунки бу иш гуноҳни ёпувчи Зотга қарши жиноят ҳамда гуноҳга гувоҳ бўлган ёки гуноҳни эшитган кишини ёмонликка ундовчи ҳаракатдир. Демак, битта гуноҳга бу иккита жиноят қўшилиб, жиноятлар сони ортади. Агар бунга “Бошқаларни ҳам ўша гуноҳга тарғиб этиш, шундай гуноҳ қилишлари учун имкон туғдириш” жиноятини ҳам қўшса, жиноятлар тўртта бўлиб, юк янада оғирлашади.

Хабарда келади: “Барча кишининг гуноҳи афв этилади, илло, кечаси гуноҳ содир этган, Аллоҳ унинг гуноҳини бекитган, гуноҳига парда ёпган, аммо кишининг ўзи барчага ошқор этган гуноҳи кечирилмайди” (Муттафақун алайҳ).

Гуноҳни ёпувчи Аллоҳдир. Аллоҳнинг бу сифати бандаларига фазл ва неъмат бўлиб, меҳрибон ва раҳмли Зот шу сифати билан бандаларининг чиройли амалларини юзага чиқаради, хунук амалларини яширади. Шундай экан, Аллоҳ яширганини банда ошқор қилиши неъматни ёпишдан бошқа нарса эмас. Ўтганлардан бири:

“Гуноҳ қилма! Агар қилиб қўйсанг, лоақал, бошқани унга тарғиб этма! Акс ҳолда, иккита гуноҳ содир этган бўласан”, деган экан.

Аллоҳ таоло деди: **“Мунофиқ эркаклар ва мунофиқ аёллар бир-бирларидандир. Улар ёмонликка буюрадилар, яхшиликдан тўхтатадилар” (Таъба, 67, мазмуни).**

### Олимнинг аҳволи хатарли

Издан одамлар эргашидиган олимнинг гуноҳкор бўлиши, жумладан, ипакдан либос кийиши, олтин эгарли уловга миниши, султонларнинг шубҳали молидан олиши, уларнинг ҳузурига кириб туриши, улар ҳақида гапирганида тараддуланиши, инкор этиш лозим бўлган ўринларда ҳам уларни маъқуллаши, дилозорлик қилиши, беҳуда баҳсга чорлаб, кимнидир таҳқирлашни қасд этиши, фақат дунёвий манфаат талабида илм билан машғул бўлиши ҳам кичик гуноҳни катта гуноҳга айлантирувчи сабаблардандир. Негаки, ушбу гуноҳларни қилаётган олимга одамлар эргашади. Вақти келиб, у олим оламдан ўтади, лекин унинг ёмонликлари бу оламда узоқ вақт сақланиб қолади. Бас, гуноҳлари ўзи билан бирга кетган киши нақадар бахтли!

Хабарда келади: “Кимки бир ёмонлик пайдо қилса, ўша ёмонликнинг ва унга амал қилганларнинг гуноҳи заррача камайтирилмасдан ёмонликни пайдо қилган кишининг зиммасига юкланади” (Муслим ривоят қилган ҳадис).

Аллоҳ таоло дейди: **“...Уларнинг қилган амалларини ҳамда (қолдирган) изларини ёзиб кўюрмиз” (Ёсин, 12, мазмуни).**

Оятдаги **“осор”** (яъни, **излар**) лафзи ўздан кейин қолдирилган ёмонликларга ишорадир.

Ибн Аббос, розийаллоху анху, деди:


“Ўтганлардан бири айтган экан: “Олим кишининг адашиши мисоли кемага талофат етишидай гап. Кемага талофат етса, кема ҳам, ичидаги одамлар ҳам сувга ғарқ бўлади”.

Демак, олимларнинг аҳволи ўта хатарли. Уларнинг зиммасида икки вазифа бор: гуноҳни тарк этиш ва гуноҳни беркитиш. Уларга юкланган гуноҳлар икки ҳисса ортади. Агар олим дунё билан зийнатланишни ва дунёга берилишни тарк этса, қувват бўлгудек озгина таом билан қаноатланса, олим ҳам, авом ҳам унга эргашади. Оқибат, уларнинг савобича савоб топади. Аксинча, олим дунёга берилса, авомнинг табиати унга ўхшашга майл этади. Дунё зийнатларига кўмилиш учун эса, олим албатта, султонлар манфаатига хизмат қилишга, ҳаромдан дунё тўплашга мажбурдир.

Хулоса, ушбу тафсилотлар кичик гуноҳни катта гуноҳга айлантирувчи сабабларни билишга кифоядир.

Абдурашид ЗОҲИД  
таржумаси

# УКРАИНА РЕСПУБЛИКАСИ



Украина марказий-шарқий Оврупада жойлашган. Қадимда турли хил номлар — Орияна, Росколания, Скифия, Сарматия, Антлар давлати деб аталган. 1187 йилдаги Киев солномаларида IX-XI асрларда катта салоҳиятга эга бўлган Киев Руси таркибига кирувчи Переяслав, Киев, Чернигов ерлари “Украина” деб қайд этилган.

Шарқий Украина ҳудуди Оврупанинг жанубий қисмидаги текисликларни ва Карпат, Қирим тоғларининг бир қисмини эгаллаган. Украина ҳудудининг тўқсон беш фоизини текислик ва беш фоизини тоғлар

*Ҳудуди: 603, 7 минг кв. км.*

*Аҳолиси: 50, 125 млн. киши*

*Пойтахти: Киев шаҳри*

*Йирик шаҳарлари:*

*Харков, Днепронетровск, Донеск, Одесса, Запорожйе*

*Пул бирлиги: гривна*

ташқил қилади. Маъмурий-ҳудудий тузилиши бўйича йигирма тўрт вилоят ва Қирим Мухтор Республикасидан иборат.

Украина кўп миллатли давлат, халқининг ўн тўрт милёндан ортиғини бошқа миллат вакиллари ташқил қилади. Аҳолисининг сони бўйича (50,1млн.) Оврупа давлатлари ичида бешинчи ўринда туради.


1992 йили диний ишлар бўйича давлат қўмитасининг қарори билан Украина мусулмонлар диний бошқармаси (УМДБ) тузилди. Бошқармага Украина муфтийи шайх Аҳмад Тамим раслик қилмоқда. УМДБнинг бош мақсади аҳолини Ислом динига оид билимлар билан таништиришдир. Шу мақсадда 1994, 1996 ва 2000 йиллари Украина мусулмонлари қурултойи ўтказилди. Ҳозирги кунда Украинада турли миллатга мансуб икки милёндан кўпроқ (4,2%) мусулмон яшайди.

УМДБнинг саъй-ҳаракатлари билан 1993 йил 11 апрелда Киев Ислом университети очилди. Бу илм маскани Украина тарихида биринчи олий исломий ўқув юрти ҳисобланади. Университетда имом ва мударрислар тайёрланади.

Дунёда машҳур “Ал-Азҳар” университети Киев Ислом университети билан яқин алоқалар ўрнатган. “Ал-Азҳар”дан ташриф буюрган Куръон ҳофизлари талабаларга Куръон илми ва тажвиддан сабоқ беришади. 2001 йилдан бошлаб Киев Ислом университети битирув ҳужжатлари “Ал-Азҳар” университети-нинг дипломи билан тенглаштирилган.

1996 йилдан Киев Ислом университети қошида “Иршод” мактаби фаолият бошлади. Бу мактабда ёш авлод Украина Таълим вазирлигининг дастури бўйича Ислом асослари, ҳар бир мусулмон фарзанди билиши лозим бўлган диний урф-одатлар билан таништирилади. Бундан ташқари, Куръон ва араб тили дарслари ўқитилади. Киев Ислом университетида қуйидаги босқичда таълим берилади: ўрта таълим уч йил, коллеж (ўртамахсус) тўрт йил ва махсус (олий) таълим тўрт йил. Сўнгги босқични тамомлаган талабаларга бакалаврлик дипломи берилади. 1994 йили мусулмонларнинг биринчи қурултойидан сўнг “Ар-Роҳман” деб аталган масжидга илк гишт қўйилди. Масжид қурилиши Киев шаҳри мусулмонларидан тушган маблағ ҳисобига босқичма-босқич амалга оширилмоқда. 2001 йилда ушбу масжидда биринчи марта Рамазон ва Курбон ҳайити намозлари ўқилди. Байрам тантаналарида икки мингдан ортиқ мусулмон қатнашди. Ҳозирда масжид қурилиши ниҳоясига етиб қолди. Лойиҳа бўйича масжид мажмуасига мажлислар зали ҳамда кутубхона қурилиши ҳам киритилган.

УМДБ раҳбарлигида Украинанинг бошқа шаҳарларида ҳам мусулмонларнинг ибодат қилишлари учун масжидлар қурилди, қабристонга ерлар ажратилди. Ислом динига қизи-





қаётганлар учун бир қанча ёзги ва якшанбалик мактаблар ташкил қилинди. “Минора” исломий газети ўрис ва араб тилларида нашр этилмоқда. Киев Ислом университетининг таржима ва тадқиқот бўлими араб тилидан кўплаб диний китобларни ўрис, украин ва бир қатор бошқа тилларга таржима қилди. Бундан ташқари, болалар учун ҳамда фикҳ масалаларига оид китоблар нашр этилди.



## Қирим

### Мухтор Республикаси

Ислом динининг Қиримга кириб келишида Малик Аштар ва Ғози Мансурнинг ҳиссаси катта бўлган. Энг қадимги масжид 1262 йили Солхат (Қадимий Қирим) шаҳрида бир бухоролик киши томонидан қурилган эди. XVI асрга келиб, Қирим ороли Олтин Ўрда мусулмонларининг маданий ўчоғига айланди.


XV асрнинг биринчи ярмида исломий Қирим хонлиги ташкил этилди. Бу даврда Қирим ҳудудлари Усмонлилар салтанатига қарар эди. XVII асрда Қирим аҳолисининг деярли асосий қисмини Кичик Осиёдан кўчиб келганлар ташкил қилган.

Қиримда мавлавийа хонақоҳлари мавқеи анчагина салмоқли ҳисобланган. Бундан ташқари, нақшбандийа, яссавийа, хилватийа тариқатлари ҳам кенг ёйилган эди. Сўфий шахсларга ҳурмат-эътибор билан қараларди. Айниқса, Богчасаройда 1500 йили қурилган Занжирли мадрасасининг шуҳрати баланд эди.

Қиримни Русия босиб олгунига қадар (1783 йил) бу ерда 1530 масжид, ўнлаб мадраса ва хонақоҳлар бор эди. 1917 йил болшевиклар тўнтаришидан кейин масжидлар 729 тага қисқариб, мусулмонлар сони ҳам кескин камайиб кетди.

XIX асрнинг охирида қирим зиёлиларидан Исмоил Ғаспирали мусулмон мактабларида янги таълим усулини жорий этиш ва мусулмонлар учун диний-илмий китоблар нашр қилиш таклифи билан чиқди. Унинг ташаббусини кўплаб зиёлилар қўллаб-қувватлашди.

1917 йил 25 мартда Умумқирим мусулмонлари қурултоғида вақтинча Қирим мусулмонлари ижроия кўмитаси таъсис қилинди. Унинг раиси этиб, Қирим муфтийи Нуъмон Чалабий Жаҳон сайланди. Занжирли мадрасаси қошида институт очилди. 1921 йилда халқ комиссарлар кенгашининг қарори билан Қирим Мухтор Республикаси тузилди. 1924 йили Симферопулда Қирим марказий мусулмонлар халқ бошқармаси барпо этилди. Бу даврда собиқ мусулмонлар бошқармасига “Аста мусулмонлик” диний журналининг нашр этилишига ҳам рухсат берилди. Бироқ 1924 йил охирига келиб, кутубхоналардан диний китоблар йиғиб олинди. 1930 йилларнинг бошида масжидлар фаолияти тўхтатилиб, мадрасалар ёпилди. 1926 йили коммунистик





партия СССР ҳудудидаги барча ерларда диний илм беришни тақиқлаб қўйди. Ислом уламоларига нисбатан қатоғон қучайди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг қиримлик туркий халқлар ҳар хил бўлмағур баҳоналар билан СССРнинг турли жойларига кўчириб юборилди, қадим ватанларидан жудо қилинди.

Ўтган асрнинг 80-йиллари охиридан қиримийлар оммавий равишда яна ўз ватанларига қайта бошлашди. Бу пайтга келиб, Қиримда бирорта ҳам фаолият юритаётган жомеъ йўқ эди. Кейинчалик бошқа эҳтиёжларда фойдаланилаётган бир қанча масжид бинолари мусулмонларга қайтарилди. Ҳозирги кунда Қиримда 186 та мусулмон уюшмаси рўйхатга олинган. Етмишта жомеъ фаолият кўрсатяпти. Яна бир нечта масжид қайта таъмирланди, янгиларини куриш ишлари бошлаб юборилди.

Маҳмуд МАҲКАМ  
тайёради





## СИРҒАЛИ ОТА

Бир куни тушимда ҳаворанг мовутдан чопон кийган нуроний бир отахон: “Нега Қалдирғочбийни зиёрат қилмайсан?” деб мени сўроққа тутди. Мен унга: “Шу бугуноқ зиёратга бораман”, деб ваъда берарканман, уйғониб кетдим. Ишларимни саришталаб, тушликка яқин йўлга чиқдим. Ёғоч панжарали эшикдан ичкари кириб, Шайх Хованд Тохурни, сўнгра Қалдирғочбийни зиёрат қилдим. Мақбара шайхи Куръон тиловат қилди. Дуодан сўнг ундан:

— Қалдирғочбий билан Сирғали ота ўрталарида қариндошлик ё устоз-шоғирдлик алоқалари бўлганми? — деб сўрадим.

У саволимга батафсил жавоб беришга ҳаракат қилди:

«Сирғали ота тақводор, олим киши бўлганлар. У киши яшаган давр Занги ота замонасига тўғри келади. Сирғали отанинг ҳаёти, ота-онаси, асарлари ҳақида ёзма ҳужжатлар топилганича йўқ. Халқ орасидаги хабарларга кўра, Сирғали ота билан Занги ота ёшлик пайтларида бир устоздан таълим олишган экан.

Ўша давр хонларидан бири Тошкентнинг жануби-ғарбий тарафидаги ерларни Сирғали отага суюрғол қилиб берган экан».

Сухбатдошим сўзида давом этди:

«Сирғали отанинг аёллари ҳақида ҳам манбаларда ҳеч бир маълумотлар учрамайди. Фақат у киши-

нинг беш нафар фарзанди бўлгани маълум: Элбой, Ҳайитбўзим, Кичикбой, Қорақўнғирдек ва Оққўнғирдек. Бу беш ўғилдан кейинчалик беш уруғ тарқалган. Улар Сирғали ота ўғилларининг номлари билан аталади.

Тўлебой, яъни, Қалдирғочбий Сирғали отанинг тўнғич фарзанди Элбойнинг катта ўғлидир. Олим инсон бўлгани учун ўша давр оқсоқоллари уни “Бий” (барча қабилаларнинг бошлиғи) даражасига кўтаришади. Унинг “Қалдирғочбий” номини олиши билан боғлиқ шундай ҳикоя бор.

Бир йили баҳор байрамида сайил-томошалар чўзилиб, Тўлебойнинг ўтови анча вақт сойлоғ жойда туриб қолади. Сайл ўтганидан сўнг чодирларни йиғувчи хизматкорлар қарашса, Тўлебойнинг ўтовига қалдирғочлар ин қуриб, тухум қўйишган, ҳатто баъзи тухумлар ёрилиб полапонларнинг тумшуги кўриниб қолган экан.

Шунда кўчишга шай турган Тўлебой икки кишига шу ерда қолиб, қалдирғоч полапонлари учиб кетишганидан сўнггина ўтовни йиғиштириб олишни

буюради. Халқ бу воқеадан кейин Тўлебойни “Қалдирғочбий” деб атай бошлайди».

Раҳматли опоқдадамиз Сулаймон қори ота Қалдирғочбийнинг авлодларини, яъни, ажлодларимизни бундай санар эдилар: Қалдирғочбийнинг ўғли Болта қори, Болта қорининг ўғли Бекбой, Бекбойнинг ўғли Бойбўта, Бойбўтанинг ўғли Бозорбой, Бозорбойнинг ўғиллари Одил, Дадил ва Эдиллардир...

Афсуски, Сирғали ота ҳаёти ҳақида ёзма маълумотлар қолмаган. Тариқат одобларида риёдан сақланишга жуда катта эътибор берилар экан. Шу боисдан ҳам ҳеч бир ёзма манба қолдирилмаган.

Аммо Сирғали отанинг инсон маънавий баркамоллигини улуғловчи одоблари, ибратлари оғиздан-оғизга кўчиб, халқ орасида яшаб келади.

Сирғали ота ўғитларида келгуси авлод саломатлигини таъминлашга катта эътибор берилади. Айниқса, келин ва куёвнинг бир-бирларига ҳар жиҳатдан мос бўлишлари, илм олиш даражалари, туғилган йили ва кунлари ўзаро уйғун бўлиши пухта ўрганилган. Уларнинг Аллоҳ рози бўладиган илмларни эгаллашлари ва бунга амал қилишлари юксак қадрланган.

Сирғали ота: “Келажакда бахтли болаларнинг ота-онаси бўлишни истаган ҳар бир ўғил-қиз етти-тўққиз ёшиданоқ керагича илм олиб, яхши тарбия кўриши зарур”, деб уқтирарканлар.

Хуллас, ўша куни зиёратдан қайтар эканман, Сирғали ота ҳақидаги баъзи хабарлардан воқиф бўлганим учун беҳад мамнун эдим.

Иброҳим ОДИЛ ўғли

# ТАЖВИДДАН СИНОВ ДАВОМ ЭТАДИ



29. Мад ҳарфларининг ҳаммаси ўрин олган қатор қайси?

- A) ت و ل ر ي م
- B) ف و ق ش ا ي
- C) ا و ص ض ط غ
- D) ع ي س ش و ن
- E) ا ح خ د ر ي

30. Маълумки, *واي* ҳарфлари чўзиб ўқилиши (мад ҳарфи бўлиши) учун иккита шарт қўйилган. Бири ушбу ҳарфларнинг сукунли бўлишидир. Хўш, бу сукун ёзувда қандай ифодаланади?

- A)  $\underline{و}$  (сукун) аломати орқали.
- B)  $\underline{ا}$  (фатҳа) аломати орқали.
- C)  $\underline{ي}$  (ташдид) аломати орқали.
- D)  $\underline{ع}$  (замма) аломати орқали.

Е) Ёзувда ифода этилмай, яширин бўлади.

31. Алиф сукунли (бу сукун яширин бўлади), ўзидан аввалги ҳарф эса ..... бўлганида мад ҳарфига айланади:

- A) Заммали.
- B) Фатҳали.
- C) Касрали.
- D) Қалқала ҳарфи.
- E) Истефола ҳарфи.

32. Қайси қаторда мад ҳарфларининг барчасига мисол келтирилган?

- A) وَ يَضِيقُ صَدْرِي وَ لَا يَنْطَلِقُ لِسَانِي قَارِئِلْ اَلِي هُرُونَ
- B) تِلْكَ اَعْيَاتُ الْكِتَابِ الْمُبِينِ
- C) وَ لَهُمْ عَلَيَّ ذَنْبٌ فَاحَافُ اَنْ يَقْتُلُونِ
- D) يُرِيدُ اَنْ يُخْرِجَكُمْ مِنْ اَرْضِكُمْ
- E) Ҳаммасида.

33. Мад ҳарфларининг одатича бир алифдан (тахм. 2 секунддан) узунроқ чўзилишга сабаб бўладиган белгилар “Сабаби мад” дейилади. Булар қайсилар?

- A) Фатҳа, замма, ташдид.
- B) Танвин ва сукун.
- C) Сукун ва касра.
- D) Сукун ва ҳамза.
- E) Тўғри жавоб йўқ.

34. Сукуни лозим (доимий сукун) нима?

- A) Аввалдан бор бўлиб, доимо турадиган сукун.
- B) Доимийлигини аста-секин йўқотиб боровчи сукун.
- C) Аввалдан бор бўлса-да, доимийлиги барқарор бўлмаган сукун.
- D) Қори ихтиёрига ҳавола этилган сукун.
- E) А ва С.

35. Қайси қаторда сукуни лозимга учта, сукуни оризга (вақф қилиш — тўхташ муносабати билан пайдо бўладиган сукунга) иккита мисол берилган:

- A) م (ميم) — ل (لام) — ظَنُّ — كَانٌ — غَزِيرًا
- B) هُوَ — اَنْتَ — هِيَ — اَلَّذِي — مَا
- C) صِرَاطًا — لَكَ — مُبِينًا — ذَنْبِكَ — فَتَحًا
- D) А ва Е.
- E) قُلُوبٌ — ع (عَيْن) — لِلَّهِ — ص (صَاد) — ق (قَاف)

36. Мади табиий ҳолати юзага келиши учун мад ҳарфидан сўнг ..... келмаслиги керак?

- A) Сабаби мад.
- B) Ҳамза ва сукун.
- C) Истеъло ҳарфи.
- D) Қалқала ҳарфи.
- E) А ва В.

Акмал АВАЗ  
тузди

Абдулмaлик ҚOСИМ



Опам ранги оқариб кетган, нимжон бўлиб қолган эди. Шунда ҳам у, одатига кўра, доимо Қуръон ўқирди. Қачон қарасак, у намoзxoнада руку, сажда қилаётган, қўлини кўтариб дуо қилаётган бўларди. Эртаю кеч шу ҳол, чарчаш нима, зерикиш нима, билмайди. Мен эса, адабий журналларни ва ҳикоя китобларини ўқишга қизиқардим. Ниҳоят даражада кўп телевизор томоша қилардим. Уй вазибаларини тўлиқ бажармасдим, намoзларимни ўз вақтида ўқимас эдим.

Кечаси билан уч соат тўтовсиз филм кўриб, видео апаратини энди ўчирган пайтим ёнимиздаги масжиддан азон эшитилди. Ётиш учун ўрнимга бордим. Опам намoзxoнадан мени чақириб қолди:

— Ҳа, нима дейсиз, Навра

лиги, тўғрилиги беихтиёр мени унга итоатли қилиб кўярди. Келдим.

— Нима дейсиз?..

— Ёнимга ўтир.

— Мана, ўтирдим, нима дейсиз?

У ёқимли, майин овози билан Қуръон ўқиди: **“Ҳар бир жон ўлимни тотгувчидир. Ва қиёмат куни, ҳеч шак-шубҳасиз, ажр-савобларингизни комил суратда олурсиз”**.<sup>1</sup> Сўнг бир оз жим турди-да, кейин мендан сўради:

— Ўлимга ишонмайсанми?

— Албатта ишонаман.

— Сен катта-кичик барча гуноҳларингга ҳисоб беришингга ишонмайсанми?

— Албатта ишонаман, лекин Аллоҳ кечиргувчи, раҳмли зот, умр эса узун...

— Эй синглим, қутилмаган

опа? — деб сўрадим мен.

У менга меҳрибонлик билан:

— Бомдод намозини ўқимасдан ухлама, — деди.

— Уф-ф-ф... — деб юбордим беихтиёр.

У яна мулоқим оҳангда:

— Бомдод намози вақти кирди, азонни эшитдингми, — деди.

Оғир касал бўлиб тўшакка ётиб қолишдан илгари ҳам у доим шунақа тергаб турарди. Ҳозир ҳам ўша оҳангда мени чақирди.

— Эй Ҳанно, ёнимга кел.

Қизиқ, негадир мен унинг талабини ҳеч рад қилолмайман. Унинг соф-

ўлим-чи? Мана, қара, Ҳинд сендан ёши кичик бўлса ҳам, машина ҳалокатидан вафот этди. Фалончи ва фалончиларчи? Ўлим ёш танламайди.

Унинг нимқоронғу хонасида бу гапларни эшитиш ваҳимали эди. Титроқ овоз билан жавоб бердим:

— Ўзи қоронғулик кўрқинчли, устига сиз яна мени кўрқитиб қўйдингиз. Энди қандай ухлайман?.. Бу йилги таътилда биз билан дам олиш учун чиқасиз, деб ўйлаган эдим.

Тўсатдан унинг овози хирллаб қолди:

— Мен бу йил бошқа жойга, узоқроққа сафар қилсам керак. Ахир, Ҳанно, умрлар Аллоҳнинг изнида-ку, — деди.

Кўзимга ёш келди. Опамнинг касали оғирлигини, шифокорлар дадамга, бу ҳолда узоқ яшамайди, деганини эсладим. Лекин бу гапни унга ким айтди? Ёки шундай бўлишини кутаяптими?

— Нимага ўйланиб қолдинг? — деб сўради опам. Бу сафар унинг овозида қандайдир бир куч пайдо бўлгандек эди. — Бу гапларни касал бўлгани учун айтяпти, деб ўйлайсанми? Йўқ, эҳтимол менинг умрим соғларниқидан узунроқдир. Мана, сен қачонгача яшайсан, мумкин йигирма йил, мумкин қирқ йил, кейин, мана... — Қоронғуда қўлини ишора қилиб, қаттиқ силтади: — ...орамизда фарқ қолмайди, ҳаммамиз бу дунёни ташлаб, охират сафарига кетамиз: ё жаннатга, ё дўзахга. Аллоҳнинг ушбу сўзини эшитганмисан? **“Бас, ким дўзахдан четланиб, жаннатга киритилса, муҳаққак (бахт-саодатга) эришгай”**.<sup>2</sup> Энди борақол, яхши ётиб тур.

Мен тезда кетдим, ортимдан унинг “Аллоҳ сени ҳидоят қилсин, намозингни унутма!” деган овози қулоғим остида жарангларди.

<sup>1</sup> Ол-и Имрон, 185, мазмуни.

<sup>2</sup> Ўша оят, мазмуни.

Эрталаб соат саккиз эди, эшикни кимдир тақиллатди. Ҳали уйғонадиган вақтим эмас.

Йиғи-сиғи, ҳар-хил овозлар... Нима бўлди?

Билсам, Навранинг аҳволи оғирлашибди. Дадам уни шифохонага олиб кетибдилар. **“Албатта, биз Аллоҳнинг (бандалари)миз ва албатта, биз У зотга қайтгувчимиз”**<sup>3</sup>. Ишқилиб, Навра ўзи айтганидек, узоққа сафар қилиб кетмасин.

Пешин вақти дадам шифохонадан кўнғироқ қилдилар:

— Агар уни кўришга кела олсаларинг, ҳозир келинглар.

Онамнинг айтишларича, дадамнинг сўзлари хавотирли, овозлари ўзгарган эмиш.

Тезда машинага ўтирдик. Ҳар доим ўтиб юрадиганимиз яқингина йўл бунча узоқ бўлмаса? Чиройли кўринадиган одамлар, манзаралар қани? Онам ёнимда Наврани дуо қилиб кетардилар. Опам солиҳа, итоатли қиз эди. Ҳечам вақтини бекор ўтказаетганини кўрмаганман.

Шифохонанинг ташқи эшигидан кирдик. Бир касал оҳ-воҳ қиляпти, бошқаси машина ҳалокатига учраган, унисининг эса кўзлари киртайиб қолган...

Навра ётган хонага бордик. “Бир кишидан ортиқ одам кирмасин”, деб ёзиб қўйилган. Хона эшигидаги кичкина деразачадан Навра опамнинг кўзлари менга тикилиб турганини кўрдим. Ёнида онам турардилар. Икки дақиқадан кейин онам кўзёшларини яшира олмаган ҳолда чиқдилар. Кўп гаплашмаслик шарти билан икки дақиқага менга ҳам руҳсат беришди.

— Аҳволингиз қалай, Навра опа? Кеча яхши эдингиз-ку, сизга нима бўлди?

Кўлимни сиқиб ушлаганича, менга жавоб берди:

— Мен ҳозир ҳам яхшиман, алҳамдулиллаҳ.

— «Алҳамдулиллаҳ» деяписиз-у, лекин кўлингиз музлаб

кетяпти... — Каравотнинг четига ўтирар эканман, унинг оёғига тегиб кетдим. — Кечиринг мени, сизни сиқиб қўйган бўлсам, — дедим-да, оёғини аста суриб қўйдим. У бўлса:

— Йўқ, ҳечам сиқиб қўйганинг йўқ. Лекин мен Аллоҳнинг ушбу ояти ҳақида ўйлаб қолдим, — деб Куръондан тиловат қилди: — “...(жон бериш қийинлигидан) **оёқ оёққа чалкашиб қолган бир вақтда — ана ўша Кунда ёлғиз Парвардигорингиз (ҳузур)га ҳайдалиш бордир**”<sup>4</sup>. — Сўнгра менга илтижоли боқди: — Ҳанно, мени дуо қилиб тур, яқинда охират кунларининг аввалини қарши олсам керак. Сафар узоқ, лекин озуқам оз.

Унинг гапларини тинглаб, кўзларим ёшга тўлди, йиғладим. Ўзимнинг қаердалигимни билмай қолдим. Дадам Наврадан кўра мендан кўпроқ хавотир бўла бошладилар. Чунки менинг бундай йиғлаганимни ҳеч кўрмаган эдилар.

Ўша қайғули кун куёш ботиши билан уйимизда узун сукунат ҳукм сурди. Кейин... олдимга ҳоламнинг қизи, кейин аммамнинг қизи кирди. Уйимизга келаётган одамлар сони кўпайди. Овозлар аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Бир нарсани билдимки, Навра ўлибди... Ким келаётганини ажратолмасдим, нима деяётганимни билмасдим...

Ё Аллоҳ, мен қаердаман, нима бўляпти, ҳатто ҳолим қолмади. Кейин менга айтишларича, дадам менинг кўлимдан ушлаб, опам билан охириги марта видолашишга олиб борганлар ва мен уни ўпганман. Мен фақат бир нарсани — унинг қафанга ўралган жасадини кўрган вақтимда унинг ўлим тўшагида ётган ҳолида айтган сўзларини, ўқиган оятини эсладим: “...(жон бериш қийинлигидан) **оёқ оёққа чалкашиб қолган бир вақтда — ана ўша Кунда ёлғиз Парвар-**

**дигорингиз (ҳузур)га ҳайдалиш бордир!**” Ва бу оятнинг ҳақиқатини тушуниб етдим.

Ўша кеча унинг намоз ўқийдиган хонасига кирдим. Кирдим... онамнинг қорнида ким мен билан шерик бўлганини энди бошқача ҳис этдим. Ким қайғуларимни кетказиб, мен учун ҳидоят сўраб дуо қилганини ва ким ўлим ва ҳисоб ҳақида менга гапириб, узун кечалар кўзёшлар тўкканини эсладим.

“Аллоҳ — ёрдам сўралгучи Зот”.

Бу кеча Навранинг қабрдаги биринчи кечаси. Аллоҳ унга раҳм қилсин ва қабрини унга мунаввар айласин. Мана бу унинг Куръони, бу жойнамози ва мана бу эса, тўйимда кияман, деб олиб қўйган пуштиранг қўйлаги. Уни эслаб, бекор кетган кунларимга йиғладим. Узоқ йиғладим. Менга раҳм қилгин, тавбамни қабул қилгин, мени кечиргин, деб Аллоҳга дуо қилдим. Сўнгра Навра яхши кўриб қиладиган дуони такрорладим: «Наврани ҳам қабрида сокин, савол-жавобини осон қилгин...»

Тўсатдан ўзимга савол бердим: “Агар мен ўлганимда нима бўлар эди?” Ўзимни ўраб олган кўрқинчдан жавоб топа олмадим. Аччиқ-аччиқ йиғладим.

— Аллоҳу акбар,

— Аллоҳу акбар...

Ана, бомдод намозига азон айтилди. Бу сафар у нақадар лаззатли эшитилар эди!

Муаззин айтаётган калималарни такрорлаган ҳолда, қалбимда биринчи марта хотиржамлик ва роҳатни ҳис қилдим. Рўмолимни ўраб, видолашаётган одамдек бир руҳда намоз ўқишга киришдим.

<sup>3</sup> Қиёмат, 29, мазмуни

<sup>4</sup> Ўша оят, мазмуни



# АҲКОМ

хукмлар), **аҳком-ус-сигар** (мухталиф мавзуларда болаларга оид фикҳий хукмлар). Амалий хукмларнинг асоси бўлган

“Қарор”, “хукм”, “илм”, “англаш” каби маъноларни ифодаловчи “хукм” сўзининг кўплик

оятларга **“аҳком оятлари”**, шундай ҳадисларга эса **“аҳком ҳадислари”** дейилади.

шакли. Қуръони каримда фақат бирлик шаклида Аллоҳга, пайғамбарларга ва бошқа инсонларга нисбатан қўлланилади. Ҳадисларда эса ҳам бирлик, ҳам кўпликда келган. **Хукм** аслида давлат ва ҳукуматнинг салоҳиятини ифода этувчи бир ҳокимнинг маълум бир мавзуга оид берган қарори, икки нарса ёки фикр ўртасидаги ўзаро алоқа, бир мавзуга хос мантқиқий ечим, кўплик шаклида эса, фикҳ, наҳв (синтаксис) ва яна бошқа бир қатор илмларда қоида маъносини ифодаловчи жуда кенг қамровли тушунчадир.

Усули фикҳ олимларига кўра, **хукм** мукаллафларнинг феълларига оид илоҳий хитобни, фикҳ олимларига кўра эса, бу хитобнинг тақозосини билдиради. **Аҳком** бу маънода ташриий ва назарий ҳуқуқнинг муқобили ўлароқ мусбат ҳуқуқни ифода этувчи фуруъ маъносидadır. Ислом дини қамраб олган қонун-қоидаларнинг барчасига **шаръий аҳком** дейилади. Шаръий хукмлар ҳам хусусиятига кўра **этиқодий аҳком**, **амалий аҳком** ва **ахлоқий аҳком** каби қисмларга ажратилади. Этиқодий хукмлар асосий ўринда тургани учун **аслий аҳком**, амалий хукмлар иккинчи даражали бўлгани сабабли **фаръий аҳком** ҳам дейилади. Бундан ташқари, амалий хукмлар кишининг мажбуриятларини белгиловчи хукмлар маъносида **таклифий аҳком** (аҳкоми хамса — вужуб, ҳурмат, надб, ибоба, кароҳат) ва бир нарсани бошқа бир нарсага сабаб, шарт ёки монё қилиб қўйиш маъносида **вазъий аҳком** ўлароқ иккига бўлинади. Диний манбаларга суянувчи шаръий аҳкомга муқобил, калом илми доирасига кирган бир тушунчанинг борлиқ тушунчаси билан мусбат ёки манфий муносабати ҳақидаги ақлга тўғри келадиган хукмлар **ақлий аҳком** дейилади.

Аҳком янада кенгроқ маънода маълум бир мавзуга тегишли бутун қонун-қоидаларни ифодалайди. Бундан ташқари, маълум бир мавзуга оид хукмлар жамланган асарларга, ҳатто маълум бир мавзу бўйича шугулланувчи илм соҳаларига ҳам “аҳком” дейилади. **Аҳком-ул-вақф** (вақфга оид хукмлар), **ал-аҳком-ус-султонийя** (халифалик ва давлат ташкилоти ҳуқуқи), **аҳком-ун-нужум** (астрономия), **аҳком-ул-Қуръон** (амалий хукмларга оид оят ва улардан чиқарилган

Аҳком оятларининг сони ва таснифи хусусида олимлар ҳар хил тахминларни ўртага қўядилар. Зарқошийнинг билдиришича, имом Ғаззолий ва Фаҳриддин ар-Розий Қуръондаги аҳком оятларининг сонини беш юзта деб кўрсатганлар (*“Ал-Бурҳон”*). Бу ҳисобни саккиз юздан ошиқ деб ёки, аксинча, икки юзта деб таъкидловчилар ҳам бор. Икки юзта дейилишининг сабаби хукмлар очиқ баён қилинган оятларгина ҳисобланган. Чунки қисса, амсол (ўхшаш) каби хусусларни қамраб олган оятлардан билвосита хукм чиқариш мумкин. Бундай аҳком оятлари иккига ажратилади: 1. Ичида аҳком борлиги изоҳланган оятлар (Бақара, Нисо, Моида ва Анъом сураларида бу хил оятлар кўп). 2. Тўғридан-тўғри бир хукмни ифода этмай, фақат истинбот орқали хукм чиқариш мумкин бўлган оятлар. Бу оятлар ҳам ўз навбатида бошқа оятга мурожаат қилмай, хукм чиқариш мумкин бўлган ва фақат бошқа оятлар ёрдамидагина хукм чиқариш мумкин бўлган оятлар ўлароқ иккига бўлинади.

Яна аҳком оятларини, мазмун-моҳиятига кўра, ибодат, муомала ва жазо гуруҳларига ажратиш мумкин. Бу гуруҳлардан жой олган оятларнинг сони аниқ бўлмаса-да, энг сўнгги қабул қилинган таснифга кўра, аҳком оятларининг бир юз қирқтаси ибодатга, етмиштаси оила ҳуқуқига, етмиштаси маданий ҳуқуққа, ўттизтаси жазо ҳуқуқига, ўн уч ёки йигирматаси усули муҳокаматга, йигирма иккитаси ҳарб ва сулҳ ҳуқуқига, ўнтаси эса молий ва иқтисодий мавзуларга оиддир.

Тафсир илми кенг ёйилгач, Ислом ҳуқуқшунослари ҳам ўз ихтисосларига доир аҳком оятларининг тафсири билан шугулландилар ва бу соҳада кўплаб асарлар ёзилди. Қуръон хукмларига доир илк асарни имом Шофеъий ёзганлари маълум. У зотнинг бу борадаги фикр-мулоҳазаларини кейинчалик Аҳмад ибн Хусайн ал-Байҳақий мустақил асар сифатида тўплади ва асар Зоҳид Кавсарийнинг муқаддимаси билан Қоҳирада нашр этилди. Кейинроқ ҳанафий, шофеъий, моликий, ҳанбалий фақиҳлари ва бош-қа бир қатор олимлар аҳком-ул-Қуръонга оид асарлар ёзишди.

«Islam Ansiklopedisi»

1 жилддан

Маҳмуд МАЪМУР

таржимаси

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ал-Ҳасан ибн Башир ал-Ҳаким ат-Термизийнинг таваллуд ва вафот саналари ҳақида ихтилофли фикрлар мавжуд. Тадқиқотчилар унинг таваллуд санасини ҳижрий 205 йил ва вафотини 320 йил деб келтиришади. Демак, Фаридулдин Атторнинг “Тазкиратул-авлиё” асарида ал-Ҳаким ат-Термизий 115 йил умр кўрган деб ёзгани ҳақиқатга яқин. Бошқа манбаларда, масалан, аз-Заҳабийнинг “Тазкиратул-хуффо” асарида аллома 80 йил умр кўргани айтилса, Ибн Ҳажар ал-Асқалонийнинг “Лисонул-мезон” асарида, 90 йил умр кўрган, деб қайд этилган.

Ал-Ҳаким ат-Термизий дастлаб отасидан, сўнгра Термиз ва Балхнинг таниқли олимларидан таълим олади. Ҳаж ибодатини адо этиш учун Маккаи мукаррамага йўл олади. Куфа ва Басра шаҳарларида муҳаддислар билан мулоқотда бўлади, мунозараларда иштирок этади ва шаъбон ойида Маккага етиб келади. Ҳаж мавсуми бошлангунга қадар бу шаҳарнинг файзу баракотидан баҳраманд бўлади.

Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг “Наводурул-усул фи маърифати ахборир-расул” китоби жуда машҳур. Асарнинг қўлёзма нусхаси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида 10842-рақам билан сақланади. Қуйида асардан парча эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Иброҳим УСМОНОВ,

Тошкент Ислон университети илмий ходими

АЛ-ҲАКИМ АТ-ТЕРМИЗИЙ

## ЎНГ ТОМОННИНГ ФАЗИЛАТИ ҲАҚИДА

Абу Ҳурайра, розийаллоҳу анҳу, ривоят қиладилар. “Пайғамбар, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, дедилар: “Сизлардан ким оёқ кийим кийса, ўнг томондан бошласин. Ким оёқ кийимини ечса, чап томондан бошласин. Ўнг томон биринчи кийилиб, охири ечиладиган бўлсин”.

Ўнг томон Аллоҳ таолонинг суйган ва ихтиёр этган томонидир. Қиёмат кунида жаннат аҳли Аршнинг ўнг томонида бўладилар. Саодат эгаларининг амаллари битилган китоблари ҳам ўнг томондан берилади. Тарозудаги яхши амаллар палласи ҳам унинг ўнг томонига қўйилади. Яхши амалларни ёзиб борувчи фаришталар ҳам ўнг томонда турадилар.

Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, Аллоҳ ихтиёр этгани сабабли ҳар бир ишни ўнг томондан бошлар эдилар. У зот сув ичсалар, аввал ўнг томонда турганларга узатар эдилар. Бир куни Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, сув ичдилар. Абу Бакр Сиддиқ, розийаллоҳу анҳу, чап томонларида, бир аъробий қул эса ўнг томонларида эди. Сувни ичиб бўлгач, аъробийдан: “Аввал қарияларга узатишга руҳсат этасанми?” деб сўрадилар. Аъробий: “Сизнинг бундай марҳаматингизни ўзимдан бошқа ҳеч кимга афзал кўра олмайман”, деди. Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, сувни аъробийга узатдилар.

Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, масжидга кирганларида аввал ўнг оёқларини қўяр эдилар. Масжиддан чиқсалар ёки оёқ кийимларини ечсалар, чап томондан бошлар эдилар. Уловдан тушганларида ўнг оёқ билан тушар эдилар. Соч олдирилганларида ёки тирноқ олганларида ҳам ўнг томондан бошлар эдилар.

Анас, розийаллоҳу анҳу, дедилар: “Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, шайтонга

тош отиб, қурбонликларини сўйиб бўлганларидан кейин сартарошга бошларини тутиб: “Ўнг қисмидан бошлаб олавер”, дедилар. Кейин уни Абу Талҳага бердилар. Сўнг чап қисмини олдирилди ва уни ҳам Абу Талҳага бериб: “Асҳобга тарқатиб юбор”, дедилар.

Ибн Умар, розийаллоҳу анҳу, ривоят қиладилар: Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, дедилар: “Сизлардан ким овқат еса, ўнг қўли билан есин. Ким ичимлик ичса, ўнг қўли билан ичсин”.

Хабарда келтирилади: “Қиёмат кунида жаннат Аршнинг ўнг томонида, дўзах эса чап томонида бўлади. Тарозу келтирилганида, яхшиликлар палласи Аршнинг ўнг томонида — жаннатнинг рўпарасида, ёмонликлар палласи Аршнинг чап томонида — дўзах рўпарасида бўлади”.

Аллоҳ таоло айтади: “**Ўнг томон эгалари... ўнг томон эгалари** (бўлмоқ) **не** (саодат)дир!” (Воқеа, 27, мазмуни); “**Чап томон эгалари... чап томон эгалари** (бўлмоқ) **не** (бахтсизлик)дир!” (Воқеа, 41, мазмуни).

Абу Солиҳ ал-Ҳанафий ривоят қиладилар. Али, каррамаллоҳу ваҳҳаҳу, намозда икки томонга салом берганларида бири иккинчисидан пастроқ бўларди. Абу Солиҳдан: “Қайси бири пастроқ бўларди?” деб сўрашганида у: “Чап томонга берилган салом”, деб жавоб берди. Бунинг сабаби яхшиликларни ёзиб борувчи фариштаннинг ҳаққини адо этиш ва ўнг томоннинг чап томондан афзаллигини билдириш эди.

Тошкент Ислон университети талабаси

Гулноза САИДАҲМЕДОВА

таржумаси

Тўхтамурод БАҲРОМ

## Ким бахтиёр кетар чоғи?

### Талабида

Зикр этар кимдир висол, ким риё талабида,  
Илм олар кимдир амал, ким зиё талабида.

Олтин ишқида кимлар жон тикиб оворадир,  
Мисдан зар олмоқ учун ким кимё талабида.

Биров дер “дунё бозор”, биров айтар “қиморгоҳ”,  
Ким виждонин пуллагай, ким ҳаё талабида.

Ўтиб бормоқда умр, курашиб икки жавҳар:  
Дил имон талабида, тан дунё талабида.

Ашким шиддати етмас қалб ўтин ўчирмакка,  
Кўнглим — қатра мурувват, ўт — дарё талабида.

Бул ҳаёти дунёни имтиҳон саҳни дерлар,  
Кимдир Ҳақни ҳақ билур, ким рўё талабида.

Бебақо дунёга ҳеч боқма, эй Тўхтамурод,  
Рабб фазлин намозда топ, бўл ихё талабида.

### Кетар чоғи

Беихтиёр келдик барча,  
йўқ ихтиёр кетар чоғи,  
Бахт — дунё деб елибмиз кўп,  
ким бахтиёр кетар чоғи?

Меҳмонмиз ер юзи узра,  
кетмоқ изни Мезбондадир,  
“Эгар-жабдуқ борми?” демас,  
тургил тайёр кетар чоғи.

Ясан-тусан қилиб кездик,  
неъматлардан топдик ҳузур,  
Вафо қилармикан энди,  
манзил-диёр кетар чоғи?

Бу дунёнинг сайри гўзал  
ибодатнинг кемасида  
Чунки руҳинг шул кемага  
соҳиб-сайёр кетар чоғи.

Ҳар қилмишинг битилмоқда  
амалларинг китобига,  
Ул чоғ бойлик тош босмайди,  
имон меъёр кетар чоғи.



Адаштирмоқ учун шайтон  
умр бўйи қилди ҳужум,  
Имонингни олмоққа шай  
ўшал айёр кетар чоғи.

Тўхтамурод, тоат тила  
барча мўмин-мусулмонга,  
Токи имон калимаси  
бўлғуси ёр кетар чоғи.

### Садоқатим

Имоним қалбда тасдиқ, тилда шаҳодатимдан,  
Тилагим, Рабб, ризоинг, кунлик ибодатимдан.

Бахш этай умру жоним васлингни топмоқ учун,  
Кечай нафсим талаби — айшу ҳаловатимдан.

Имтиҳон қилмоқ учун бошга офат ёғдирсанг,  
Шикоятга ўрин йўқ дарду жароҳатимдан.

Раҳматингга нечук мен лойиқ кўрай ўзимни,  
Ўтмишим қаро тундир саҳву жаҳолатимдан.

Лек тунни ёритгувчи субҳидам тонг бошланди,  
Умид тонги нурафшон Қуръон тиловатимдан.

Вақт келиб етказурсан дуо ижобат кунга,  
Шу кун хушдан аюрма топган саодатимдан.

Тўхтамурод, ҳақ йўлда меҳринг тилаб турибман,  
Неки берсанг, топгайман сидқу садоқатимдан.



### Бор

Ёр, дилимни пора қилган битмас ишқ яраси бор,  
Дард бедаво демагайман, ҳар дарднинг чораси бор.  
Умид билан тирикдурман, умид ёлғиз Ўзидан,  
Чўкаётган умидворнинг сомондан зораси бор.  
Тақдиримда ҳеч бўлмаса бир ёруғ кун ёзилмиш,  
Ёруғ кундуз олдидан туннинг тим-қораси бор.  
Қаро тунлар қуллик қилиб мадҳингга ғазал битсам,  
Кечагидан бугун аъло, эртага сараси бор.  
Дарду балолардан энди жон чиқар ҳолга келди.  
Раҳм қил, қалбим ичра ишқингнинг зарраси бор.  
Тўхтамурод, ҳақ йўлида савоб тилаб юрибман,  
Ёр ваъдаси — ҳар савобга берар ўн карраси бор.



Болалар ейишга яроқсиз нарсаларни оғзига солишни ёқтиришганидек, деразадан нарса улоқтириш ҳам уларга яхши кўринади.

Мен ҳам болалигимда бу бебошлик қонунига бўйсунганман. Онамнинг тилла зийнатларини деразадан улоқтиришни яхши кўрадим. Гоҳо айрим буюмларни оғзимга солиб, ютишга ҳам ҳаракат қилардим.

Тиллага нафрат гўдаклик пайтимданоқ бошланганини онам айтиб берарди. Масалан, онам билагузугини ётоқхонада унутиб қолдириши кифоя, тезда у ерга яширинча кирардимда, қўлимга илинган “ўлжа”ни олиб, айвонга ёки дераза ёнига чопардим. Сўнгра иложи борича узоқроққа отардим. Ҳодисадан онам баъзан тез, баъзан кеч хабар топарди. Сўнгра йўқолган тақинчоғини қидиртиргани апил-тапил хизматчини туширарди.

Мени тилланинг ялтираши ўзига жалб қилар эди. Бу маъдан аср маъбуди бўлиб қолганига ақлим етарди. Еб бўлмас нарсаларни оғзимга солиш ҳам менга қизиқарли эди. Афтидан, инсон фақат нон билан тирек эмаслигига ишора қилмоқчи бўлардим.


Бир куни онам ўзига кўйлақ тика бошлади. Ёнида бир тўғноғич ётибди. Уни олдим-да, ўйлаб ўтирмай оғзимга солиб, секин ютиб юбордим. Шубҳасиз, бу ишим қахрамонлик эди... Ҳали ютиб бўлмасимдан онам қўлини тўғноғичга чўзди. Лекин уни ётган еридан тополмади. Сўнгра бетоқатлик билан қаттиқ йиғлай бошлади. Унинг йиғиси ҳайратимни янада оширарди. Сўнг телефонга ташланиб, ҳиққиланган ҳолда отамга тез келиши кераклигини айтди. Бир неча дақиқа ўтмай, отам етиб келди. Ранги хом лимун тусига кирган. Уйга кирибоқ мандан:

— Ўзингни қандай ҳис қиляпсан? — деб сўради.

Ростини айтсам, ҳеч нарса безовта қилмаётган эди. Тўғноғич ичимда жимгина турарди. Уни тажриба учун ютганим уйдагиларни нега бунчалик ташвишга солганини ҳеч тушуна олмадим. Нима, инсониятга тажриба қилиш ҳаромми? Оиладаги изтироблар, тўхтовсиз машваратлар, тўкилаётган кўзёшлар сабаби менга қоронғу эди.

Аҳмад БАҲЖАТ (Миср)

## ИЛОҲИЙ ЛУТФ



Чунки тўғноғич менга азоб бермай, жимгина ётарди. Бир неча соатдан кейин табибга олиб боришди. У бўлиб ўтган ҳодисага ишонмадим, мандан:

— Тўғноғични ютганинг ростми? — деб сўради.

Ним табассум ила жавоб бердим. Табиб тезда рентген қилишни буюрди. Унинг натижаси тўғри чиқди: меъдамда тўғноғич бор экан. Табиб рентген суратига қараб хаёл сурганича, олдимизда намоздан, дуодан ўзга йўл йўқлигини айтди:

— Нажот Аллоҳдан! — деди.

Табиб бир оз пахта ейишим кераклигини тушунтирди. Шундай қилинса, пахта меъдага тушиб тўғноғич атрофини ўраб олар эмиш. Овқат ҳазм бўлиб кетганидан кейин тўғноғични

топиш учун чиқиндини элакдан ўтказишни тавсия қилди.

Мен пахта ейишни бутунлай рад этдим. Маъдандан ясалган қаттиқ тўғноғични ютдим, аммо оппоқина, юмшоққина пахтани егим келмасди. Бу қайсарлик эдими ёки бирор ҳикмати бормиди — билолмадим. Онам зўр бериб пахта едиришга уринарди, лекин барча ҳаракатлари беҳуда кетар эди.

Ташвиш ва кўрқув ҳамани саросимага солиб кўйди. Ҳамма ўзича оҳиста суҳбатлашар, мавзу ҳам ўзгариб турар, “ўлим” сўзи тез-тез тилга олинар эди. Охири тўғноғич ютиб юборганим сабабли ўлишим мумкинлигини тушуниб етдим. Неғалигини билмадим-у, аммо ўлишимга асло ишонмасдим. Тўғноғич ютганим туфайли ўлармидим, деган хаёлга борардим. Ўлиш учун камида бомба ютиш керак. Одам отамизнинг, алайҳиссалом, дарахт мевасидан еб кўйишига ўхшаш тажриба сабабли Аллоҳ мени иккинчи бор ўлим исканжасига туширмайди, деб ўйлардим. Одам, алайҳиссалом, ҳам ман этилган нарсани еб кўйган эди-ку,

ахир... Мен ҳам ютиш мумкин бўлмаган нарсани ютиб юбордим, холос. Аллоҳ менга ҳам раҳм қилади.

Онам ёнимда намоз ўқиб тонг оттира бошлади. Отам ҳам, қачон қарасам, жойнамоз устида. Бу ҳодисадан олдин отам ҳам, онам ҳам намоз ўқишмасди. Хавф, кўрқинч, фарзанд севгиси уларни намоз ўқишга мажбурлаган эди...

Кунлардан бир куни тўғноғич қандай ютилган бўлса, шундайича тушиб кетди. Уни жигилдонимга башарий телбалик қўли киргизган бўлса, жасадимдан илоҳий лутф қўли чиқарган эди...

Арабчадан

Мубашшир АҲМАД

таржимаси.

Яхши сўзли, кўркам муомалали ва кечиримли, бағрикенг бўлиш асл мўминнинг фазилати ҳисобланади. Бу ҳислатлар инсоннинг имонда нечоғлик собит эканини кўрсатувчи белги — имон исботи эканини Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ҳадиси шарифларида таъкидлаганлар. Яхши амалларнинг кушандаси эса, миннат ва дилозорликдир. Тақир тош устидаги чанг-ғуборни ёмғир суви ювиб кетганидек, миннат ва дилозорлик яхши амаллар ажр-савобини маҳв қилади (Бақара, 264).

Ҳар бир амал чин ихлосу имон билан бажарилса, “бирова кўрсин ё эшитсин”лардан ёки яна бошқа ғаразлардан холи бўлиб, фақат Аллоҳ таолога қуллик юзасидан адо этилса, бир яхшилиқ етти юз баробар кўпайтирилиб, банданинг ҳисобига ёзилди. Ҳатто ихлосу самимиятнинг камолига кўра етти юз баробардан ҳам зиёда даражада қадрланажак. Бу ваъда имони комил инсонларни эзгулик сари рағбатлантирувчи илоҳий марҳаматдир. Мазкур мавзу яна ҳам равшан бўлиши учун Қуръони каримда воқеий далил келтирилган. Ажру савобларнинг кўпайиши ер юзида мавжуд бўлган серҳосил бугдой навига қиёс қилинган (2/261). Оятда қайд этилган “Етти бошоқли бугдой” шунга далилат қилади.

Мўъжизани қарангки, бу ў х ш а т и ш д а катта ҳикмат борлиги бугун ҳаётда далил-исботини топиб, кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда. Кундалик ризқимиз манбаи бўлган бугдой донининг ҳосилдорлиги масаласига таллуқли бир воқеани эсламоқчиман.

Марҳум устозимиз Шамсуддин Бобохонов Қоҳирадаги Ўзбекистон элчихонасида ишлаган даврда мутахассислар билан суҳбатларини гапириб, бир бугдой бошоғида бир юз қир-

қтагача (!) дон борлигини кўриб, таажжубланганини изҳор қилган эдилар. Суҳбат Нил дарёсининг қуйи соҳиллари иқлимга мослаштирилган бугдой нави ҳақида борарди. Ҳолбуки, бугун аксар деҳқонлар бир бошоқдан ўртача етмишта дон олингани тўғрисида айтиб мақтанишларининг гувоҳимиз.


Экин далаларининг унумдорлиги ва парваришнинг даражасига қараб, бир бугдой бошоғида етти юзтагача дон ҳосилини берган навни шахсан ўзим кўрганман. Ҳа, бу ҳодиса чиндан мўъжиза эди! Аллоҳ таолонинг инсонга ато этган улўф неъматлари чексиз. Бир неча йил муқаддам Ўрдун университетиде ўқиб юрганнимда курсдошим Фоиқ Маҳмуд исмли йигит:

— Қуръони каримда айтилган “Етти бошоқли бугдой” мана, — деб бир гуж бошоқ бугдой сунбулини менга берди. — Юртингизга боргач, экиб кўринг, ажойиб бугдой нави экан, — деди ва бу бошоқнинг таърифини сўзлаб берди.

Ҳикоясини таржима қилиб эълон этиялман:

“1975 йили қадимий Румга қарашли ҳозирги Жараш ёдгорлик харобалари орасида олиб борилган илмий қазилма ишлари пайтида бир қадимий кўзачада дон топилган. Менинг отам ҳам қазилма ишларида иштирок этганлари сабабли у ер-бу ерда сочи-

либ ётган бугдой донларидан ўттиз бештагинасини йиғиб уйга олиб келган эдилар. Ўша йили ҳовлимизда экиб кўрдилар. Атиги йигирма донаси униб чиқди. Ҳосилга кирди. Унақасини кўрмаган эдик. Бугдойнинг ҳар бир толасида гуж бўлиб бир неча бошоқ чиқди. Худди йиғилиб турган бармоқларга ўхшайди. Ҳосил етилгач, келгуси йили қайта эдик. Лалми ердан сўнг суғориладиган ерда ҳам



## ЕТТИ БОШОҚЛИ БУҒДОЙ

экиб-синаб кўрдик. Еримиз унумдор эди. Бугдой ён атрофига ҳам илдиэ ёйиб пояларининг кўпайишидан ҳайратла қолдик. Тез орада ҳовли ерларимизни антиқа бугдой қоплаб олди.

Хуллас, суғориладиган унумдор ерга қадалган бир дона бугдой униб чиққач, ён-атрофга (гирд-атрофида) шоналаб тармоқ отди. Сўнгра ҳар бир шона илдиэлаб, поялари бўйига ўсди. Энг ками йигирмата, сувли жойда ўттиз бештагача поя ўсиб чиққанининг гувоҳи бўлдик. Ҳар пояда бештадан еттитагача гуж бошоқ чиқди. Пояси пишиқ. Бўйи бир ярим метрдан ошди. Бир бошоқда энг ками икки юзта дон бор эди. Баъзи етук бошоқда етти юзта бугдой донаси етилди.

Экишда ҳар бир донни бир-биридан 70 см. узоқликка қадаш шарт. Акс ҳолда, бир-бирига чирмашиб кетади.

Ўрдуннинг Аждун минтақасида Куфранжа шаҳри атрофларига ва бошқа худудларга бу навни тарқатдик. Энди бу ажойиб бугдойни турли мамлакатларга тарқатиш чораларини излаяпмиз.

Ўрдун университети қишлоқ хўжалик факултаси ва Ўрдун қишлоқ хўжалиги вазириликка қарашли зироат тадқиқотлари марказига ҳам намуна етказиб бердик. Олимларимиз илмий жиҳатдан ўрганишса, шояд умумбашарий манфаатлар йўлида хайрли ишларнинг юзага чиқишига сабабчи бўлиб қолсак”.

Фоиқ Маҳмуд Муҳаммад Иршид  
1985 йил 30 ўктябр.

Курсдошимнинг тавсиясига кўра, юртга қайтгач, мазкур сунбул доналаридан баъзи қизиққан кишиларга улашдим. Бир танишимнинг ҳовлисида униб чиққан ва етишган намунасида биттасини томири билан суғуриб, уйга олиб келдим. Чиндан ҳам бўйи 1,5 метргача келар, пояси одатдаги бугдой поясидан қаттиқроқ эди. Ўқувчи тасавурида аниқ жонлансин деб ўзим кўрган етти бошоқли бугдойнинг бир поясининг расмини чизиб тақдим этмоқдаман.

Ҳабибуллоҳ СОЛИҲ

## Салом

Салом билан доим яйрайди кўнгил,  
Самимий салом бер, Аллоҳни ёд қил.  
Ноҳақ сўздан ногоҳ санчиса юрак,  
Бир салом-ла қалбда очилар минг гул...

\*\*\*

Насиҳат истасанг, жанозага бор —  
Ўлим ташрифига нафсни тут тайёр.

\*\*\*

Нафсини суйган унинг айтганин қилмас,  
Нафсини тийган охир пушаймон бўлмас.

\*\*\*

Сени “сен”лаганни “сен”лама,  
Ўзингни нодонга тенглама.

\*\*\*

Макон довруги билан улуғланмагай инсон,  
Инсон улуғлиги билан яшнагай макон.

Самин қори ТОҲИР,  
Андижон

## Умид узма раҳматидан

Аллоҳ сени бандам деди,  
Лаббайка деб бергил жавоб.  
Тонг саҳарда севинч ила  
Намозга тур — бергай савоб.

Раҳимдир ул, Раҳмондир ул,  
Умид узма раҳматидан.  
Қодир Қаҳҳор сифатлидир,  
Дўст бўлма ҳеч гафлат билан.

Бу дунё бир синов бизга,  
Охиратга шай тур мудом.  
Бир меҳмонсан, кетмоқ тайин,  
Кўзни, тилни тийгил тамом.

Нафсинга қул бўлма, инсон,  
Ризқинг берар Раззоқ эгам.  
Охиратда ажри азим —  
Улушингни олгин бекам.

Гулжаҳон РАЙҲОНОВА  
Қарии шаҳридаги 5-ўрта мактаб  
ўқитувчиси

*“Албатта, имон келтирган, яхши амаллар қилган ва намозни тўқис адо қилиб, закотни берган зотлар учун Парвардигорлари ҳузурда ажр бор. Улар учун ҳеч қандай хавф-хатар йўқ ва улар ғамгин бўлмайдилар”.*

(Бақара, 277, мазмуни)

## “БИЗНИ ЖАННАТДА УЧРАШТИР...”

*Амриқолик бир англиз қиз шундай ҳикоя қилади:*



“Мен Амриқо Қўшма Штатларининг Арканзас штатида христиан оиласида дунёга келдим. Болалагим отамнинг катта далалари, экинзорларида ўтди. Отам деҳқончилик билан шуғулланар, шу билан бирга, маҳаллий черковимизда роҳиб эди, мавъизалар ўқирди. Онам эса уйда болалар тарбияси билан машғул эди. Черковимиз таълимоти бўйича, Муқаддас Учликка эътиқод қилинади ва Ҳазрати Исо, алайҳиссалом, Худонинг ўғли деб тан олинади. Мен улғайган ушбу қишлоқ аҳли оқ танлилар бўлиб, барчалари христиан динига мансуб

эдилар. Икки юз мил масофа атрофимизда бошқа дин вакиллари йўқ эди. Мен ҳам шу черков таълимотида, қишлоқ аҳлидан ўзга ҳеч кимни кўрмай воёга етдим.

Ҳаётимда биринчи марта муслмон кишини Арканзас университетига ўқишга кирганимда кўрдим. Уларнинг кийиниши, юриштириши менга гайритабиий туюларди. Муслима аёлларнинг соч

ларини беркитиб, рўмол ўраб юришларини ҳеч қабул қилолмасдим. Лекин табиатан ўта қизиқувчанлигим бир муслима қиз билан танишишимга сабаб бўлди. Бу танишув менинг ҳаёт тарзимни бир умрга буткул ўзгартириб юборди. У қизни энди асло унутмайман.

Унинг исми Йасмин эди. У Фаластинда туғилган. Мен соатлаб у билан бирга суҳбатлашиб ўтирар, унинг ватани, урф-одатлари, дини, оиласи ва дўстлари ҳақидаги ҳикояларига қулоқ тутар эдим. Лекин унинг энг яхши кўрадиган нарчаси Ислом дини эди! Йасмин

ташқи суратидан сокинлик ва хотиржамлик балқиб турган бир инсон эдики, мен бошқа ундай инсонни учратмадим. У менга пайғамбарлар ва Аллоҳ ҳақида сўзлаб берди. Фоят тўғриси ўзлиги унинг сўзларини қабул қилишим учун менга кифоя қиларди. Лекин уйда бу дугонам ҳақида гапирмасдим...

Йасмин, имкони борича, менинг тасаввуримда Ислом ягона ҳақ дин эканини ва шу билан бирга, у табиий ҳаёт услуби эканини жонлантиришга интиларди.

У учун муҳими дунё ҳаёти эмас, балки охираат ҳаёти эди. У: “Биз бу дунёда бирга бўлган баъзи яқинларимиз билан кейинги ҳаётимизда, жаннатда албатта учрашамиз”, деб кўп айтарди.

Йасмин ватанига жўнаб кетиш вақти келди. Хайрлашар эканмиз, энди биз бир-биримизни қайтиб бу дунёда кўролмаслигимизни ҳис этиб турардик. Шунинг учун бўлса керак, кўп йиғладик ва у видолаша туриб, то учрашганимизча Исломни ўрганишда мустаҳкам бўлишимни, кейинги учрашувимиз жаннатда эканини айтиб хайрлашди...

Биринчи марта танишган кунимиздаёқ у мени “Амийра” деб чақира бошлаган эди. Исломни қабул қилганимдан сўнг ўзимга шу исмни танладим.

У ватанига қайтганидан кейин икки hafta ўтгач, менга хабар келди: “Йасмин уйидан чиқиб келаётганида душман ўқи тегиб, ҳалок бўлибди...” Дўстларимдан бири етказган ушбу фожеали хабар мени эсанкиратиб қўйди...

Университетда ўқишим давомида мен кўпгина мусулмон дўстлар орттирдим. Араб тили мен учун энг суюкли тилга айланди. Айниқса, дўстларимдан бири Куръон тиловат қилганида ёки овозтасмадан тиловат эшитганимда қалбим ором оларди. Ўқишни битириб, уйга қайтгач, атрофимда мусулмон дўстларимнинг юпанчи бўлмаслигидан умидим узилган бўлса-да, лекин Исломга бўлган ташналик оилам ва бу ердаги яқинларимдан ҳам кўра кўпроқ мени безовта қиларди. Мен кўпроқ шу ҳақда қайғурардим...

Икки йилдан сўнг тасодифан йўлда бир мусулмон кишини учратиб қолдим ва унга ўзимни қийнаётган саволлар билан муурожаат қилдим. Ислом тўғрисида ўқишим мумкин бўлган адабиётлар ҳақида сўрадим.

Ойлар кетидан ойлар ўтди. Мен тинимсиз китоб мутолаа қилардим. Кечалари Аллоҳга дуо-илтижолар қилардим.

Ниҳоят, 1996 йилнинг 15 апрелида мен Исломни қабул қилдим. Аллоҳ мени ҳидоятга бошлади ва мен энди Исломни асло тарк этмайман. Менинг кўнглимга ҳаловат берган нарсаси “Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур расулуллоҳ”дир!

Оила аъзоларим Исломни ўрганаётганимни кўриб, аввалига қаттиқ ғазабланишди ва мен билан гаплашмай қўйишди. Фақат муҳим иш чиқиб қолсагина, менга гапиришарди. Лекин Исломни қабул қилганимдан хабар топишгач, мен билан гаплашишни умуман йиғиштириб

қўйишди ва мени руҳий касалликлар шифохонасига ётқизишга ҳаракат этишди. Чунки улар “Қизимиз ғирт жинни бўлиб қолибди” деб ҳисоблашарди...

Оилам мени тушунмаётганидан кўп изтироб чекардим. Улар мени “Дўзахий бўлгур!” деб лаънатлашгача бориб етишди. Улар билан бирга бўлишга қанча ҳаракат қилмай, барибир улар мени рад этишди ва ортиқ безовта қилмаслигим учун ҳатто телефон рақамларини ҳам ўзгартириб олишди.


Ҳозир ёлғиз ўзим, алоҳида уйда яшайман. Ҳар куни кўчада одамлар тарафидан турли маломатлар, таҳқирга дуч келаман... Ҳали кўчада тўхтаб таҳдид қилишади, ҳали машинага турли кўрқитув сўзларини ёзиб кетишади... Кўп кунларим йиғи, алам билан ўтмоқда, лекин бу мусибатларни кўтаришда доимо мен билан бирга бўлган имоним қувват беради.

Қанийди ҳозир менга Исломни биринчи бўлиб танитган инсон, менинг жонажон, Аллоҳ йўлидаги суюкли дугонаам Йасмин бўлсайди. Унга: «Йасмин, дугонажоним, биламан, Исломни қабул қилганимдан сен жудаям хурсандсан... Мен Аллоҳга, бизларни жаннатда учраштира, дея илтижо қиламан», деб айтган бўлар эдим.

Бу сатрларни ёзиб, ўзимга ҳаммининг эътиборини қаратмоқчи эмасман, балки мусулмон дўстларимдан намозларида менинг ҳаққимга ҳам дуо қилиб қўйишларини илтимос қилмоқчиман, холос. Мақтубимни чоп этган газета муҳаррирларига ташаккур билдираман.

Синглингиз **Амибра,**  
(АҚШ)

*Ушбу мақтуб араб тилидаги “Шарқ” газетининг 1998 йил, 4 ноябр (13586-) сонидан таржима қилинди.*



# МАСИХ ДАЖЖОЛ

(Охири. Бошланиши ўтган сонларда)

## Дажжол фитнасининг якуни

Дажжол фитнаси инсонларни ҳар томондан домига тортаётган бир пайтда Ҳақ таоло уни тўхтатиш учун Исо ибн Марямни, алайҳиссалом, юборди.

Жаноби Пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, бу хусусда шундай тушунтирадилар:

“...Дажжол атрофга фитна сочаётганида Аллоҳ таоло Масиҳ ибн Марямни, алайҳиссалом, юборди. Шомнинг шарқий тарафидан оқ минорага\*, икки фариштаннинг қанотидан тутган ҳолда тушади. Эғнида заъфарон рангли кўйлаги бор. Бошида (сувдан чиққанга ўхшаб) сув томчилари бўлади. Бошини кўтарганида, сув томчилари марварид доналаридек тўкилади. Унинг нафасини сезган ҳар бир кофир мутлақ ўлади. Исо, алайҳиссалом, Дажжол билан Лудда\* дарвозасида учрашади ва уни ўлдиради” (Имом Муслим).

## Дажжолни ўлдириш Исонинг ягона вазифасими?

Масиҳ Исонинг, алайҳиссалом, илк вазифаси Дажжолни йўқотиш. Аммо бу иш унинг ягона вазифаси эмас. Инсонлар орасида адолат билан ҳукм чиқариш, хочни синдириш, тўнғизни ўлдириш, ер юзида тинчлик ўрнатиш, жизъя муассасасини такрор таъсис этиш унинг асосий вазифаларидир.

Ҳазрати Исо, алайҳиссалом, амалга оширадиган энг буюк вазифа бутун инсониятни охирзамон дини бўлган Ислом динига даъват этишдир. Бу даъват жуда катта муваффақиятга эри-

шади ва Аллоҳнинг изни ила Исломдан ташқари барча динлар ер юзидан ўчирилади.

Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, шундай буюрадилар: “Исо ибн Марям имон ва адолатли ҳакам ўлароқ ер юзига тушади. У солибни (хочни) синдиради. Тўнғизни ўлдиради. Тинчликни олиб келади. Унинг даврида иситма касаллигига чалинганлар шифо топадилар. Осмондан кўп ёмғир ёғади. Ер юзи баракотини намойиш қилади. Ҳатто гўдак илон билан ўйнаса, илон унга зарар бермайди. Арслон подани бошқаради, унга зарар бермайди” (Имом Аҳмад).

Бухорий ва Муслим «Саҳиҳ»ида Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, шундай буюрадилар: “Нафсим ядида бўлган Аллоҳга қасамки, Исо ибн Марям сизга одил ҳакам бўлиб тушадиган кунлар яқинлашган. У тушганида солибни синдиради, тўнғизни ўлдиради, жизъяни қайта таъсис этади. Шу қадар мўл-кўлчилик бўладики, ҳеч ким ортиқча мол-мулкни хоҳламай қолади. Унинг даврида Аллоҳ таолога қилинган биргина сажда дунёда бўлганлардан ҳам хайрлироқдир”.

Парвардигор! Бизларни ҳидоятингга етишган қулларингдан қил. Бизларни адашган ва адаштиргувчилардан қилма. Уммати Муҳаммадийни Дажжол фитнасидан Ўзинг сақла.

Парвардигор! Қабр азобидан, жаҳаннам азобидан, яширин ва очиқ фитналардан, бир кўзли ёлғончи (Дажжолнинг) ёмонлигидан Ўзинг паноҳ бер. Омин.

\* Шарқий Шомда бу минора ҳозир ҳам мавжуд.

\* Қуддус яқинидаги бир шаҳар.

## Улуғлар ўғитларидан

\* \* \*

«Иймонсизлик бошқа ҳолатларга сира ўхшамайди. Зулмда, фисқда, кабоирда (гуноҳи кабираларда) бирор нахс босган шайтоний лаззат бўлиши мумкин, аммо иймонсизликда ҳеч бир лаззат жиҳати йўқ. Алам ичида аламдир, зулмат ичида зулматдир, азоб ичида азобдир».

\* \* \*

«Модомики дунё ўткинчи, умр эса қисқадир ва ғоят лозим бўлган вазифалар кўп, абадий ҳаёт эса бу дунёда қозонилажак; модомики дунё эгасиз эмас, бу дунё меҳмонхонасининг ғоят Ҳакийм ва Карийм Тадбирчиси бор ва яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам жазосиз қолмайди; модомики

لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا

нинг маъносига кўра, тоқатдан ташқари таклифлар йўқ ва зарарсиз йўл зарарли йўлдан устундир; модомики дунёвий дўстлар ва мартабалар қабр эшигигачадир, албатта, энг бахтиёр одам шундай одамки, дунё учун охиратни унутмайди, охиратни дунёга фидо қилмайди, дунёвий ҳаётини деб абадий ҳаётини бузмайди, беҳуда нарсалар билан умрини зое кетказмайди, ўзини меҳмон тутиб, меҳмонхона эгасининг амрларига итоат қилади, саломат-ла қабр эшигини очиб, абадий саодатга кириди».

Имом РАББОНИЙ

Ҳорун ЯХЁ

# ҲИС-ТУЙҒУЛАРГА АСИРЛИК ШАЙТОНДАНДИР

## Ҳис-туйғуми, ақл-идрокми?

Куръони каримнинг ахлоқий кўрсатмалари бўйича яшовчи инсонлар ҳаётда рўй берадиган барча воқеаларга ақл-идрокни йўқотмай ёндашадилар. Ҳис-туйғуларни ақл-идрокдан устун бўлишига йўл қўймай, ҳар қандай вазиятда адолат билан, ҳаракат қиладилар, яъни, ҳақиқат ҳукмига амал қиладилар.

Аллоҳ таоло ҳар бир инсонга туғилишида ноқ муҳаббат, меҳр-шафқат, кўркув ҳиссиётларни ато этади. Фақат мустаҳкам имон ва соғлом ақл-идрок инсонга тетик, вазмин руҳиятни, ҳис-туйғуларини жиловлаш ва тўғри бошқариб бориш имконини беради. Масалан, муҳаббат туйғуси авваламбор, инсонга, бизни яратиб, бахтли ҳаёт кечиришимиз учун беҳисоб неъматларни ато этган Аллоҳ таолони севиш, унга ибодат завқини ҳис қилиш учун берилган. Аллоҳни садоқат ила севган ва ўзи ҳам Аллоҳга сеvimли бўлган кишиларни, яъни, ҳақиқий имон эгаларини биз ҳам севишимиз керак. Муҳаббат даражаси барча одамларда бир хил бўлмайди. Муҳаббат ҳар бир инсоннинг имони ва Аллоҳга яқинлиги, ибодатга тиришқоқлиги ва Яратгандан қанчалик кўрқишига яраша бўлади.

Муҳаббат Аллоҳ учун бўлиши лозим. У шундагина Аллоҳ розилигига боис бўлади.

Инсон ҳис-туйғуларини Аллоҳнинг розилиги йўлида ишлатмоғи керак. Ахлоқ кўрсатмаларига зид муҳаббат, кўрқинч ва адоват бўлмаслиги керак. Акс ҳолда Аллоҳнинг амрларига эмас, ўзининг эҳтиросларига бўйсунилган бўлади. Ҳис-туйғу ақл ва идрок



назоратидан чиқса, инсон эҳтирослар ҳукми остида беўхшов хатти-ҳаракатлар содир этади, ўзига, атрофидагиларга жабр қилади. Бу ҳолда ҳис-туйғу инсоннинг хулқ-атворини, хатти-ҳаракатини ва ҳатто фикрини бошқара бошлайди.

Севги учун ҳатто жонига қасд қилишга ҳам тайёр ёки бошлиғи, эри олдида доимо кўрқиб турадиган ёки сал нарсага қаттиқ ғазабланаверадиган одамлардан оқилона ва мантиқий хатти-ҳаракат кутиш маъносиздир. Чунки бундай одамлар ҳеч қандай меъёр-чегарани тан олмай-диган ҳис-туйғуларнинг асири бўлади ва уларнинг ақл-идроклари рисоладагидек ишламайди.

## Ҳис-ҳаяжон натижалари

Ҳиссиёт таъсиридаги одам ҳолатини ойнаи жаҳонда кўрсатилаётган филм таъсирида хўнграб йиғлаётган одамга қиёсласа бўлади. Бундай одам ҳақиқатдан шунчалар йироқдаки, ҳатто бу филмда пул учун рўл ўйнаган артистни ўйлаб, асабини бузиб, йиғлайди ва қайғуга ботади. Ҳолбуки, воқеликда у артист муттаҳам ва бадахлоқ киши бўлиши мумкин. Томошабин сенарий бўйича актёр ўйнаган қиёфа учун йиғлайди. Ақл-идрокли одам кимдир тўқиган чўпчак таъсирига шунча қаттиқ берилиши мумкинми?

Туйғуларининг асири бўлган одамлар кўп ҳолларда оддий қийинчиликдан енгилиб, кўзёш тўкадилар, маънавий тушкунликка тушадилар, маст қилувчи ичкиликлар ича бошлайдилар, ўзларининг “оғир тақдирлари” тўғрисида атрофдагиларга шикоят қиладилар. Бу шикоят ва ҳасратлар охир-оқибатда қуруқ сўз бўлиб қолаверади. Масалан, бирор яқин кишиси фалокатга учрагани тўғрисида эшитган ҳиссиётчан одам яхшиликка умид қилишни, қандай ёрдам беришни ўйлаш ўрнига, йиғлаш-сиқташга, қайғуришга тушади, холос. Бу вазиятда у дўстига кўмак қўлини чўзмай ё табиб ахтармай, аксинча, ўзи ҳам юпатишга муҳтож жабрланувчига айланади-қолади.

Демак, ҳиссиётга берилувчан одамлар турли вазиятларда мустақил, оқилона қарор-хулоса чиқара олмасликлари устига улар соғлом фикрловчи одамлар учун ортиқча ташвиш бўлишади. Негаки, уларга доимий назорат, юпатув ва насиҳат талаб қилинади. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: “Аллоҳ яна икки киши ҳақида мисол келтирур: улардан бири ҳеч нарсага кучи

етмайдиган гунг-соқовдир. У эгасига ортиқча юк бўлиб, (эгаси) қаерга жўнатса, бирон яхшилик-фойда келтирмайди. Ўша кимса билан ўзи тўғри йўлда бўлган ҳолда (ўзгаларни ҳам) адолат-ҳақиқатга буюрадиган киши баробар бўлурми?!” (Наҳл, 76, мазмуни).

Комил имонли, оқил инсонлар атрофда рўй бераётган барча воқеалар Аллоҳнинг изни-иродаси билан бўлишини, ҳеч нарса Аллоҳнинг иродасини ўзгартиришга қодир эмаслигини билдилар. Шундай экан, ҳаётимиздаги ҳар бир қийинчиликни Парвардигор марҳамати деб қабул қилишимиз, Аллоҳ таоло раҳматидан умидвор бўлишимиз, ақл неъматини соғлом сақлашимиз керак. Биз дастлаб мусибат деб қабул қилган ҳодиса охир-оқибатда Аллоҳ таолонинг марҳамати бўлиши мумкинлигини ҳар доим ҳам фаҳмлайвермаймиз.

Яна бир хавфли томони шуки, ҳиссиётларининг асири бўлган кишиларга бузуқ руҳий ҳолатларини тушунтирмоқчи бўлсангиз, асло қулоқ солмайдилар. Ақл-идрокли далил-исбот уларнинг онгига етиб бормади. Ҳиссиётга берилган одам ҳар қандай ташқи соғлом фикрдан тўсилган бўлади, алам ёки мусибат ҳисси уни соғлом фикрлашдан шундай тўсиб қўядики, у одам мусибатдан, ёлғизликдан, аламдан эзиллавериб, дунёдан юз ўгириб, қобилига ўралиб олади. Шунинг учун ҳиссиётга берилган одамни танқид қилиш у ёқда турсин, ҳатто унга маслаҳат ёки тилак ҳам айтиб бўлмайди. Чунки бу иш уни ақл-идрок овозидан янада узоқлаштиради.

Ҳиссиётга берилиш инсонни жиззаки қилиб қўяди. Ундай одам ҳар нарсадан яширин маъно қидирадиган бўлади. Айтилганларни нотўғри қабул қилади, ҳар қандай маълумотдан бемаъни ва мутлақо асосланмаган хулоса чиқаради.

Ҳис-ҳаяжонга берилиш инсон шахсиятини ичдан шу даражада қаттиқ емирадики, у ҳеч бир изоҳсиз бачкана хатти-ҳаракатлар қилади. Масалан, тўсатдан ҳеч ким билан гаплашмай қўйиш ва ўз қобилига ўралиб олиш, ҳаммадан ранжиш ва атрофда ҳеч кимни пайқамаслик ва ҳоказо. Тўғри фикрлаш, ҳақиқатга эргашиш истаги йўқлигидан, у ҳатто ўзини тафтиш қилишдан ҳам қочади. Ақл-идрокини жаҳолатдан қутқаришга бирор имкон қолдирмайди. Бундай инсонлар тўғрисида Куръони каримда шундай оят бор: “Аллоҳдан қўрқадиган киши панд-насиҳат олажак. Катта ўтга (дўзахга) кирадиган бадбахт кимса эса ўзини у (насиҳат)дан четга олур” (Аъло, 10—12, мазмуни).

Пайғамбаримиз Муҳаммад, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, айтадилар: “Ақл-идроки бўлмаганнинг имони ҳам бўлмайди”.



Ҳиссиётга берилган одам мулоҳазасиз бўлиб, соғлом ва мантиқий фикрлаш қобилиятдан маҳрумдир.

Имонли одамлар учун жуда ойдин ва тушунарли масалаларда ҳиссиётга берилган киши эсанкирайди, ўзининг шубҳалари ва бемаъни ҳиссиётларида туриб қолади. У соғлом фикр эгаларига ҳаққоний йўл дастури бўлган Куръон аҳкомларини тушунмайди. Парвардигорга шукр айтолмайди. Бизга инъом этилган ҳаётнинг олий ҳикматини, бу дунё ҳаётини, жаннат ва жаҳаннамнинг яратилиш сабабини англамайди. Унга Аллоҳ таолони севиш учун ато қилинган ақл-идрокни ўз ўрнида ишлатмай, бизларга билдирилган тавҳид калимасининг маъносини фаҳмлашга ожиз қолади. Ҳиссиёт асири бўлган одамнинг ҳар бир фикри, мақсади ва ҳаракати уни Яратувчидан узоқлаштиради.

Ҳиссиётчанлик инсонни Аллоҳга етишиш йўлидан узоқлаштирувчи шайтоннинг бир қуролдир. Комил имонли инсон ҳар доим фақат Парвардигорига умид боғлайди, Аллоҳ оятларини биледи ва шайтоннинг ҳар қандай ҳийла ва найранглари рад этади, ҳис-туйғусига асир тушмайди. Яратганнинг ҳукмларига асосан ҳаракат қилиб, ҳар қандай ҳодисани тўғри ва ақл-идрок ила қабул қилади. Ҳиссиётга берилган одам учун ваҳимали ва мушкул, эсанкиратувчи туюлган саволлар мустаҳкам имон эгасига очиқ-ойдин ва тушунарлидир.

Ўрисчадан  
Муҳаммадсобит САЛОҲИДДИН ўғли  
таржимаси\*

\* Журнал «Наука и истина», апрель 2002, г. Астана.